ЧОРВАДОР ЎРТОҚЛАР: — Гўшт, сут, ёғ етиштиришни янада кўпайтириш учун курашингиз!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 99 (2647). | Жума, 22 май 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

Шу кунларда Калинин бошқармасидаги машъал «Қизил Ўзбекистон» колхозининг далаларида ғўза парвариши қизғин бораяпти. Механизаторлар ғўза қатор ораларига ишлов беришда қўшни хўжаликларнинг механизаторларига намуна кўрсатишаяпти. Суратда: механизаторлардан Карим Аъзамов (олдинда) ва Миробид Мирсаидов ўртоқлар Қ. Аҳмедов бошлиқ бригада ғўзасини культивация қилмоқдалар.

А. **Абалян** фотоси.



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети чорвадорлар мусобақасининг 1964 йил биринчи кварталдаги якунларини кўриб чиқдилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Тошкент қишлоқ областига** беришга қарор қилдилар (область партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдураззоқов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шайхов**, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш область бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ли**). Бу область гўшт ва сут етиштиришни ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан анча кўпайтирган, гўшт ва сут тайёрлаш биринчи квартал планини 115 процент бажарган, ҳар бир соғин сигирдан олинадиган сутнинг миқдорини кўпайтиришда республикада энг юксак кўрсаткичга эришган, чорва моллар туёғини сақлаб қолиш ва қўй ҳамда эчкилар туёғини кўпайтиришда яхши натижаларни қўлга киритган.

Шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областининг **Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига** берилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Убайдуллаева**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Қирғизбоев**, меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тожиев**). Бу бошқарма сут тайёрлаш биринчи квартал планини 120,8 процент, тухум тайёрлаш биринчи квартал планини 110,8 процент, гўшт тайёрлаш биринчи квартал планини 106,3 процент бажарган, сут, гўшт ва тухум етиштиришни ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан бирмунча кўпайтиришга эришган, ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 525 килограммдан сут соғиб олган ва чорва моллар туёғини ҳамда паррандаларни сақлаб қолишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областининг **Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасига** берилди (бошқарма бошлиғи ўртоқ **Тўйчиев**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Абдушоҳидов**, меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Бердиназаров**). Бу бошқарма гўшт тайёрлаш биринчи квартал планини 156 процент, сут тайёрлаш биринчи квартал планини 130,8 процент бажарган, сут ва тухум етиштиришни ўтган йилнинг биринчи кварталидагига нисбатан анча кўпайтирган ҳамда чорва моллар туёғини сақлаб қолишда яхши натижаларга эришган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Бухоро область Навоий ишлаб чиқариш бошқармасидаги **«Коммунизм» совхозига** берилди (директори ўртоқ **Урумбетов**, партия комитетининг секретари ўртоқ **Темирбоев**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Соатбоев**). Бу совхоз ҳар 100 бош совлиқдан 115 тадан қўзи олган ва қўйларнинг туёғини сақлаб қолишда яхши натижага эришган, совлиқлардан қўзи олиш планини 110,9 процент бажарган, давлатга гўшт топшириш биринчи квартал планини 100 процент бажарган.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига алоҳида намуна кўрсатган чорвадорларни мукофотлаш учун Тошкент областига 1500 сўм, Калинин ва Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаларига 400 сўмдан ва «Коммунизм» совхозига 200 сўм пул ажратиш топширилди.

ИККИНЧИ ПАРВАРИШНИ БОШЛАДИК

Бригадамиз далаларида ҳар йили ҳам ғўза парваришини барвақт бошлаймиз. Кўчат қизил поча бўлиб қолмаслиги учун яганани айниқса эрта ўтказамиз. Бу йил ҳам 110 гектар майдондаги ғўзамизни жуда қисқа муддат ичида яганадан чиқариб олдик. Шу билан бирга, ҳам культивация, ҳам биринчи озиқлантиришни бир вақтда ўтказдик. Шу кунларда иккинчи культивацияни бошлаб юбордик. Механизаторларимиздан Турғун Абдурашидов, Ўлмас Элчибоев иккаласи ғўза қатор ораларига иккинчи бор кўндалангига ишлов беришаяпти. Мели Мамажонов эса узунасига культивация қилаётганида ғўзаларни иккинчи бор озиқлантириб кетаяпти.

Ягананн барвақт тугаллашга муносиб ҳисса қўшган Маҳкам Бекалиев, Ашурали Марайимов, Лутфинисо Узоқова, Муҳаббат Эргашева сингари бригаданинг ишчан аъзолари ғўза парваришида ҳам астойдил меҳнат қилишаяпти.

Биз бригадамизда етиштириладиган ҳосилнинг 50 процентини машина билан териб оламиз. Бунга ҳозирдан замин тайёрлаш керак бўлади. Карталарни шунга мослаб ишлаяпмиз. Биз биринчи культивацияни 15 майда тамомладик. Иккинчисини 25 майга тамомлаш ниятидамиз. Шу билан бирга озиқлантиришни ҳам шу кунда тугатамиз. 5 июндан бошлаб учинчи парваришга киришамиз. Бу ҳаракатларимизнинг бариси пахтани барвақт очилтиришга қаратилган.

Ўтган йили бригадамиз бўйича пахта тайёрлаш йиллик планини сентябрнинг охиридаёқ бажарган эдик. Бу йилги ҳаракатимиз ҳам шу. Ҳар гектар майдондан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш юзасидан тузилган ишлаб чиқариш планимизни сентябрь ойида, гектар бошига 35 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб олган мажбуриятимизни эса республикамизнинг 40 йиллик катта тўйи кунига бажаришга аҳд қилганмиз.

Жўрахон ТЎРАХОНОВ,
Ўрта Чирчиқ, Охунбобоев номли колхознинг бригада бошлиғи.

МЕХАНИЗАТОРЛАР ҒАЙРАТИ

Бўка бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг ўртоқ Олим Ахроров бошчилик қилаётган бригадасида ғўзалар культивациядан чиқарилиб биринчи озиқлантириш бошлаб юборилди. Чигитни экишдан тортиб, то уни йиғиб-териб олишгача бўлган асосий ишларни механизациялашни ўз зиммаларига олган С. Исмоилов, Н. Муродов сингари моҳир, тажрибали механизаторлар ғайрат қилишяпти. Шунинг учун ҳам ғўзалар кун сайин авж олмоқда.

Бригадада ҳамма бир жону-бир тан бўлиб меҳнат қиляпти. М. Саломатова, Т. Сайдаламова, И. Ражабова сингари колхозчилар 113 гектар майдондаги ғўза яганасини ҳам тугатай деб қолишди.

Т. СОЛИЕВ.

ИЛҒОР БРИГАДА ДАЛАСИДА

Ўртоқ Нуриддин Фатхуддинов бошлиқ бригада даласида меҳнат завқи шу неча кундузда авжига чиққан. Бир текисда униб чиққан ниҳоллар нетма-нет парвариш қилинмоқда. Универсални бошқараётган Ким Сергей ғўзаларни тез ривожлантириш учун унумли меҳнат қиляпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига қарата чиқарган мурожаатидан руҳланган бригада аъзоларн 110 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» олишга сўз бердилар.

Бригада даласидаги барча карталарда ғўзалар сифатли яганадан чиқарилди. Озиқлантириш ва культивация ишлари ҳам социалистик мусобақа асосида олиб борилмоқда. Замира Турсиматова, Дилбар Абдусобирова, Турсун Баярқулова, Гулзона Нурматова каби пешқадам колхозчилар ғўза тупларини парвариш қилишда бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

— Ўғитлашнинг аҳамиятини ҳар бир пахтакор яхши билади, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Фатхуддинов. — Шунинг учун биз ғўза қатор ораларининг ҳар гектарига суперфосфат, сульфат аммоний, калий аралашмасидан 500 килограммдан солмоқдамиз.

Илғор бригада даласида ғўза қатор ораларига ишлов бериш ана шундай уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

А. ҚОРАБОЕВ,
Х. ҚУРОЛОВ.

Юқори Чирчиқ. «Правда» колхози.

Бирлашган Араб Республикасининг касаба союз арбоблари билан учрашувда 1964 йил 20 майда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Сизлар билан, касаба союз ҳаракати арбоблари билан учрашиш ва 60 миллиондан кўпроқ меҳнаткашни ўз сафларида бирлаштирган совет касаба союзларининг қизғин саломини топшириш биз учун жуда ёқимлидир, деди Н. С. Хрушчев.

Касаба союзлари меҳнаткашларнинг курашида муҳим роль ўйнадилар ва ўйнамоқдалар. Ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг кучлари нечоғлик кўп жипслашса ва уюшқоқлик билан иш кўрса, касаба союзлари меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб нечоғлик актив ҳаракат қилсалар, жамиятда меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, одамнинг одамни эксплуатация қилишини тугатишга, социал тараққиётга, янги ҳаёт барпо қилишга қаратилган процесслар ҳам шу қадар тез содир бўлаверади.

Биз мамнуният билан шуни қайд қиламизки, Бирлашган Араб Республикасининг касаба союзлари мамлакатингиз халқининг мамлакат мустақиллиги негизи бўлган экономикани юксалтириш учун, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини ошириш учун олиб бораётган курашига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Сўнгра Н. С. Хрушчев дедики, касаба союзлари давлатимизни бошқаришда, иқтисодий тараққиёт планларини ишлаб чиқишда, корхоналарни бошқаришда, ишлаб чиқариш, меҳнат ва турмушга таалуқли масалалар юзасидан қонунлар ишлаб чиқишда актив қатнашмоқдалар ва шу билан бирга, ана шу қонунларнинг амалга оширилишини контроль қилмоқдалар.

Маълумки, деди Н. С. Хрушчев, Совет Иттифоқида ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша, деган принцип амалга оширилмоқда. Бизда одамлар меҳнатининг миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланмоқда.

Аммо, меҳнатига қараб ҳақ тўлашдан ташқари, бизда меҳнаткашларнинг турмушини тобора яхшилашга қаратилган ижтимоий истеъмол фондлари ҳам бор.

Ижтимоий фондларни тақсимлашда касаба союзлари муҳим роль ўйнамоқдалар. Ижтимоий фондларнинг аҳамиятини билиб олишингиз учун кейинги тўрт йил ичида бу фондлар 100 миллиард сўмдан ҳам ортиб кетганлигини айтиб ўтаман. Шу давр ичида бизнинг мамлакатимизда 324 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой ёки 10 миллиондан кўп квартира қурилди; 10 мингдан кўпроқ мактаб бинолари барпо қилинди, қарийб 180 минг ўринли янги касалхоналар ва поликлиникалар, неча юзлаб санаторийлар, дам олиш уйлари, туристик базалар, спорт иншоотлари, 80 мингга яқин магазин ва умумий овқатланиш корхоналари очилди. Бизда санаторийлар, дам олиш уйлари, спорт иншоотлари касаба союзлари ихтиёрига топширилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Ватанимизнинг касаба союзлари, деб таъкидлади Н. С. Хрушчев, ички ҳаётимизга доир кўп масалаларни ҳал этишда катта роль ўйнаш билан чекланиб қолмаётирлар. Улар ишчиларни ва хизматчиларни интернационализмнинг қардошлик принциплари руҳида, бошқа мамлакатларнинг касаба союзлари билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш руҳида тарбияламоқдалар, меҳнаткашларнинг улуғ бирлигига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Совет касаба союзлари 100 дан кўпроқ мамлакат касаба союзлари билан ўртоқларча алоқа боғладилар.

Бутун совет халқи каби бизнинг касаба союзларимиз ҳам Адан, Жанубий Африка, Уммон, Ангола, Мозамбик ва бошқа мамлакатларни мустамлакачилик зулмидан озод қилишнинг қатъий тарафдорлари бўлиб майдонга чиқмоқдалар. Совет касаба союзлари меҳнат аҳли бирлиги ва қардошлигининг куч-қудратини яхши биладилар. Бир халқ уддалай олмаган ишни меҳнаткашларнинг бирлашган кучлари бажара олади, бу ишни бирдамлик йўли билан бажариш мумкин бўлади.

Биз, деди Н. С. Хрушчев, совет касаба союзларининг Бирлашган Араб Республикаси касаба союзлари федерацияси билан ва араб касаба союзлари халқаро федерацияси билан қардошларча алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлигини зўр мамнуният билан қайд қиламиз. Касаба союз аъзоси сифатида бу алоқалар мустаҳкамланиб, ривожланиб боради, деб умид билдиришимга ижозат бергайсиз; бу алоқалар халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, ер юзида тинчликни ҳимоя қилишга, социал тараққиётга қаратилган.

Мамлакатимизнинг тажрибасига асосланиб, сизларга шуни айтишим керакки, социализм қуриш енгил иш эмас. Маълумки, ҳар қандай янгиликни бошлаб юбориш қийин бўлади. Аммо, меҳнаткаш халқнинг бирдан-бир тўғри йўли бор, у ҳам бўлса, социализм қуриш йўлидир.

Н. С. Хрушчев Президент Ж. А. Носирга мурожаат қилиб, ўз нутқида бундай деди: сиз шундай масалани ўртага қўйдингизки, бу ерда ўтказилган митингларда шу тўғридаги гапларни бир неча бор эшитишга тўғри келди. Арабларнинг бирлиги тўғрисидаги масала ҳақиқатан ҳам муҳим масаладир. Биз, совет кишилари, бирликни миллий доиралардаги бирлик сифатидагина эмас, балки кенгроқ маънода тушунамиз. Биз жаҳондаги барча халқларнинг куч-ғайратини тинчлик учун, социалистик ва коммунистик жамият қуриш учун умумий курашда бирлаштириш асосида улар ўртасида бирлик бўлишига эришишни хоҳлаймиз.

Араблар ягона давлатга бирлашганларида, бу нарса араб миллати учун катта ғалаба бўлур эди. Араб халқларининг бирлашуви уларнинг манфаатларига мос келади. Бунинг натижасида араб халқлари ҳар жиҳатдан кучли бўлиб қоладилар. Империалистлар, мустамлакачилар эса, худди шу нарсадан қўрқмоқдалар. Шу сабабли, улар араб халқининг бирлашувини истамайдилар.

Мустамлакачилар араб халқини парчалаб юбордилар ва арабларни якка-якка ва уларнинг ҳаммасини бирга таламоқдалар. Умуман олганда, араб халқи кучли халқдир, араблар қарийб 80 миллион кишидан иборат бўлиб, битмас-туганмас табиий бойликлари бўлган районларда яшамоқдалар. Бу бойликларнинг ҳаммаси араб халқининг қўлида бўлганида, у бахтли ва бадавлат ҳаёт кечира олур эди.

Совет кишилари, деб давом қилди Н. С. Хрушчев, сизнинг орзу ва ниятларингизни яхши тушунадилар. Биз сизларнинг бирлашиб, қудратли куч бўлишингизни, ўз бойликларингизга эгалик қилишингизни астойдил истаймиз. Бу нарса бизнинг сиёсатимизга хилоф бўлмай, балки бизнинг манфаатларимизга ҳам тамомила мос келади. Совет Иттифоқининг иқтисодий қудратига араб халқининг куч ва қудрати ҳам қўшилганида, бу икки куч тинчлик душманларига қарши, социализм душманларига қарши янада активроқ ҳаракат қиладиган бўлади.

Биз, совет кишилари, деди Н. С. Хрушчев, сизларга нисбатан самимий муносабатда бўлмоқдамиз. Биз арабларнинггина эмас, балки барча миллатлар меҳнаткашларининг ҳам дўстларимиз. Бизнинг мамлакатимизда 100 дан кўп миллат ва элат яшайди. Уларнинг ҳаммаси — ишчилар, деҳқонлар, интеллигентлар аҳил бўлиб бирга ишламоқдалар ва ўзларининг порлоқ истиқболлари учун курашмоқдалар. Биз араб халқининг ҳам ўз куч-ғайратини бирлаштириб, социалистик асосларда бахтли ҳаёт барпо қилишини истаймиз.

Ҳозирги кунда республикангиз меҳнаткашларининг кайфиятини белгилаб турган зўр шижоатни бутун қалбимиз билан ҳис этмоқдамиз. Бу шижоат сизларнинг дўстларингиз бўлган бизни ҳам шодлантирмоқда.

Совет халқи Бирлашган Араб Республикасининг қардош халқига ўзи танлаб олган социалистик тараққиёт йўлида катта муваффақиятлар тилайди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ БИРЛАШГАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИ ҲАҚИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

Халқаро жамоатчилик Совет ҳукумати бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчевнинг араблар элида қилаётган сафарини тобора зўр қизиқиш билан кузатмоқда. Чет эл матбуоти ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасидаги визитига бағишланган редакцион мақолалар эълон қилмоқда, унинг дўстона мамлакатда сўзлаган нутқлари ҳақида батафсил ҳисоботлар, шунингдек жуда кўп фотографиялар босиб чиқармоқда.

МЕҲНАТ АҲЛИНИНГ БИРОДАРЛИГИ

СОФИЯ. Болгариядаги марказий газеталар Н. С. Хрушчевнинг Асвон қурувчилари митингида сўзлаган нутқини қуйидаги сарлавҳалар остида босиб чиқардилар: «Меҳнат аҳлининг биродарлиги», «Н. С. Хрушчев: Империалистларга, эксплуататорларга ва мустамлакачиларга қарши барча меҳнат аҳлининг қардошларча жипслашуви учун», «Асвон тўғони — империалистлар сиёсати остига қўйилган катта «мина», «Ҳамма халқлар ўртасида дўстлик ва қардошлик».

Асвон тўғонининг қурилиши, деб ёзади «Отечествен фронт» газетаси, халқлар ўртасида дўстлик ва қардошларча ҳамкорликнинг ифодасидир.

СОВЕТ СИЁСАТИНИНГ ТАНТАНАСИ

ПРАГА. Совет Иттифоқи араб ва африкалик халқларга нисбатан ўз дўстлигини, ривожланаётган мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик принципларига содиқлигини шу кунларда яна намойиш қилмоқда, деб ёзади «Руде право» газетаси Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасида бўлиши муносабати билан. СССР ёш давлатларга уларнинг мустақил миллий экономикани вужудга келтириш ва ўз халқларининг турмуш даражасини ошириш йўлидаги интилишларини рўёбга чиқаришда амалий ёрдам бермоқда. Совет Иттифоқи араблар бирлиги идеясини миллатчилик шиори остида эмас, балки ленинча интернационализм шиори остида қўллаб-қувватлайди, деб такидлайди газета.

Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига визити, деб ёзади «Свободне слово» газетаси, шунчалик катта халқаро сиёсий аҳамият касб этдики, Ғарб ҳайратда қолди. Совет раҳбарининг Африка ерида биринчи марта бўлиши ривожланаётган мамлакатларга нисбатан совет сиёсатининг тантанаси бўлди.

ЗЎР ҚИЗИҚИШ

ВАРШАВА. Польша меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасида бўлишига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Матбуот, радио ва телевидение Совет ҳукумати бошлиғининг визитини кун сайин батафсил ёритмоқда.

Бош министр Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасига сафари ҳали давом этмоқда, аммо бу сафар СССРнинг ва бутун социалистик лагернинг катта сиёсий муваффақияти бўлиб қолганлиги, Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ўтказаётган сиёсати тўғри эканлигини тамомила тасдиқлаганлиги ҳозирги кундаёқ аёндир, деб ёзади «Штандар млодих» газетаси. СССР ва социалистик мамлакатларнинг Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ёш республикаларга нисбатан ўтказаётган сиёсатини Н. С. Хрушчев ўз нутқларида баён этаётганидан ҳам қисқа ва ўткирроқ қилиб баён этиш қийин.

«РОССИЯНИНГ ЯНА БИР ЗАФАРИ»

РАНГУН. Бирмада чиқадиган «Ботатаун» газетаси Асвон тўғони биринчи навбат қисмининг қуриб битказилганлиги тўғрисидаги хабарларни шарҳлаб, Совет Иттифоқи билан Бирлашган Араб Республикаси ўртасидаги муносабатларга «Дўстона ҳамкорликнинг ажойиб намунаси» деб баҳо беради. Газета «Хрушчевнинг Бирлашган Араб Республикасида шодиёна кутиб олиниши бу иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликнинг мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради», деб таъкидлайди.

«Рангун» газетаси Совет Иттифоқининг Бирлашган Араб Республикасига кўрсатаётган ёрдами ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтиб, Н. С. Хрушчевнинг визити «Ўз миллий мустақиллиги учун кураш олиб бораётган халқларни илҳомлантирувчи ва уларга бу курашларида ёрдам берувчи Россиянинг яна бир зафаридир», деб ёзади.

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ФРАНЦИЯДА БЎЛИШИ

ПАРИЖ, 20 май. (ТАСС). Франция Компартиясининг XVII съездига борган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари М. А. Суслов бошчилигидаги КПСС делегацияси кеча мамлакат бўйлаб сафар қилди.

Блуа шаҳрига борганларида КПСС делегациясининг аъзолари Франция Компартияси Луар ва Шер департаменти федерациясининг раҳбарлари билан учрашиб, улар билан самимий ва дўстона суҳбатлашдилар. Ўртоқ М. А. Суслов делегация номидан федерацияга эсдалик совғалари — В. И. Ленин бюсти ва унинг портрети бўлган вимпелни топширди. КПСС делегациясининг аъзолари француз ўртоқларга Франция Компартияси XVII съездининг қарорларини амалга оширишда катта муваффақиятлар тиладилар. Шу куниёқ делегация Парижга қайтиб келди.

ЛАОСДАГИ АҲВОЛ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 май. (ТАСС). Бугун Бангкокда СЕАТО доимий вакиллари кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар беришича, Қўшма Штатларнинг илтимоси билан чақирилган бу сессияда Лаосдаги аҳвол тўғрисидаги масала муҳокама қилинган.

КАМБОДЖА ЧЕГАРАСИДА МОЖАРО

ПАРИЖ, 20 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Камбоджа Кхмер Пресс агентлиги хабарига асосланиб билдиришича, 14 майда 30 га яқин Жанубий Вьетнам солдати чегарани бузиб, Свай Риенг вилоятида 2 километргача Камбоджа территориясига бостириб кирганлар. Солдатлар деҳқонларга қараб ўқ отганлар ва Жанубий Вьетнам территориясига қайтаётганларида 6 қўтосни олиб кетганлар.

ЗАМБИЯ РЕСПУБЛИКАСИ

ЛОНДОН, 19 май. (ТАСС). 1964 йилнинг 24 октябрида Африканинг сиёсий картасида янги мустақил давлат — Замбия Республикаси (ҳозирги Шимолий Родезия) пайдо бўлади. Бугун Миллатлар ҳамдўстлиги ва мустамлакалар ишлари министри Сэндис Шимолий Родезия конституцияси тўғрисида Лондонда ўтказилган конференциянинг якунловчи мажлисида бу ҳақда хабар берди.

Шимолий Родезиянинг мустақиллиги масаласи юзасидан ўтказилган конференциянинг натижалари тўғрисидаги ахборотда, мустақил Замбия Республикасига президент бошчилик қилади, дейилади.

Замбия парламенти сайланган 75 депутатдан иборат бўлади. Бундан ташқари, мамлакат президенти бештагача кишини парламентнинг махсус аъзолари қилиб тайинлаши мумкин.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМДА ОККУПАЦИЯЧИЛАРНИНГ ТАЛОФОТЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 май. (ТАСС). Кеча кечқурун Сайгондан 72 километр ғарби-шимолда Жанубий Вьетнам партизанлари Америка патрулини алдаб, пистирмага олиб келдилар ва ўққа тутдилар. Автоматдан отилган ўқ билан Американинг бир солдати ўлдирилди. Бир америкалик офицер ярадор бўлди, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлиги.

Американинг расмий ҳисобларига қараганда, 1961 йилнинг охиридан бери Жанубий Вьетнамда АҚШнинг 230 ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлган.

„БИЗ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИГА ЭРИШАМИЗ“ *В. И. ЛЕНИН*

Коммунистик меҳнат мусобақасига бағишланган область илмий-назарий конференциясидан

Коммунистик меҳнат учун ҳаракат ва кишилар ўртасида коммунистик муносабатларнинг шаклланиши ҳозирги даврда коммунистик қурилишнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Партиямизнинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси ҳамда доҳийси Владимир Ильич Ленин ишчилар ташаббуси билан 1919 йилда бўлиб ўтган биринчи коммунистик шанбаликларга юксак баҳо берган эди. Ленин ана шу шанбаликларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни, ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган онгли ва виждонли ташаббусларининг куртакларини, капитализмдан коммунизмга ўтишнинг дастлабки қадамларини кўрди.

Коммунистик меҳнат тантанаси учун курашга бағишланган назарий конференцияни очган Тошкент саноат область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **П. В. Каймаков** ўзининг кириш нутқини шундай бошлади. У коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган курашнинг олдинги сафларида бораётганликларини таъкидлади. **Ҳозирги вақтда областда коммунистик меҳнат учун мусобақада 180 мингдан ортиқ киши, 320 корхона, 1123 цех, 8968 бригада қатнашмоқда. 32 корхона, 189 цех, 2597 бригада ҳозирнинг ўзидаёқ коммунистик меҳнат коллективлари деган шарафли номни олишга муяссар бўлишган.**

— Ушбу конференция ва унда ишлаб чиқилган тавсиялар, — дейди Ўртоқ Каймаков, — партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларига, корхоналар раҳбарларига коммунистик меҳнат учун ҳаракатни пухта ташкил этиш ва янада юксалтиришга амалий ёрдам беради, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз.

Шундан сўнг Тошкент саноат область партия комитетининг иккинчи секретари Ўртоқ **М. А. Зоидов** «Коммунистик меҳнат учун ҳаракат — ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан биридир» деган темадаги асосий докладни қилди.

Миллионларнинг онгли ижодий меҳнати билангина коммунизмни қуриш мумкин, — дейди докладчи. — Бу эса коммунистик меҳнат учун ҳаракатда айниқса ёрқин ифода этиляпти. Бу коммунизм қурилишида янги даврдир. Бу ҳаракатнинг ўзига хос энг асосий хусусияти шундаки, коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективлари номини олиш учун кураш илғор фан ва техника асосида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш ва янги кишини тарбиялаш бўйича ишларни ўзида мужассамлантиради.

Ўртоқ Зоидов Тошкент областида коммунистик меҳнат учун ҳаракатнинг кенг кўлам ёзганлиги ҳақида гапириб, қизиқарли рақамларни келтирди. **1960 йилда 2500 бригада коммунистик меҳнат коллективи деган номни олиш учун мусобақалашган. Уларда 30 мингга яқин киши бирлашган эди. Ўтган йили эса бундай бригадалар сони 9 мингтага етди, уларга бирлашган кишилар сафи эса 136,5 минг ишчи ва инженер-техниклардан иборат бўлди. Бундан ташқари ҳозирги вақтда 320 корхона, 1122 цех, бўлим ва участкалар коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашяпти.** Докладчи областда коммунистик меҳнат учун курашнинг кенгайганлигини анализ қилиб, йирик корхоналар — «Ўзбекхимаш», Ўзбекистон металлургия заводлари, Чирчиқ электрохимия комбинати коллективлари фаолиятидан олинган қатор мисолларни келтирди. 1959 йилда коммунистик меҳнат учун ҳаракатда бу корхоналарда ишлаётганларнинг 25 процентига яқини иштирок этди, фақатгина икки процентга яқини коммунистик меҳнат коллективлари деган юксак номни олишга муяссар бўлди. Айни вақтда ана шу заводларда 26 бригадага коммунистик меҳнат коллективлари номи берилган эди. 1960 йилда бу ҳаракатда иштирок этувчилар сони 2,7 баравар, 1961 йилда 2,97 баравар, 1962 йилда 3,54 баравар ва 1963 йилда деярли тўрт баравар кенгайди. Коммунистик меҳнат зарбдорлари сони эса 18 баравардан зиёдроқ ортди.

Ҳозирги вақтда коммунистик меҳнат учун ҳаракат завод ва фабрикалар доирасидан ҳам чиқиб кетди. Олимлар, маданият арбоблари, врачлар ҳам бу ҳаракатда иштирок этишмоқда. Коммунистик меҳнат учун ҳаракат янада оммавийлашди, қудратли кучга айланди.

Коммунистик меҳнат ҳаракати иштирокчиларининг энг асосий мақсади техника прогресси учун курашдир.

— Шу нуқтаи назардан қараганимизда, — дейди докладчи, — «Ташкенткабель», «Ташсельмаш» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва бошқа қатор завод-фабрикалар коллективлари томонидан қилинган ишлар тақдирга сазовардир. «Ташкенткабель» заводида меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича етти йилликнинг охирги йилига мўлжалланган даражага аллақачонлар етиб олинди. мамлакатимиздаги ҳудди шундай маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида алюминийни прокатка қилиш бўйича энг юксак меҳнат унумдорлигига эришилди. «Ташсельмаш» заводи коллективи эса пахта териш машиналари ишлаб чиқариш бўйича 1962 йилдаёқ етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага етиб олди. Бекобод металлургларни ҳисобида ҳам шонли ишлар кўп. Улар бундан уч йил илгарироқ 1965 йилда ишлаб чиқарилиши лозим бўлган миқдордаги пўлатни эритишга муваффақ бўлишди.

Бу коллективлар ишидаги ана шундай юксак кўрсаткичларнинг «сир»ларини очиб ташлар экан докладчи шуни таъкидладики, бундай ютуқлар аввало корхона раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчиларнинг маданий-техника савиясини, меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, илғор иш методларини кенг оммалаштириш ва жорий қилиш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилаётганликлари, бу масалаларга эътиборни кучайтираётганликлари туфайли қўлга киритилмоқда.

Меҳнат унумдорлигини муттасил оширмасдан, ишлаб чиқаришни янада ривожлантирмасдан коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш проблемасини ҳал қилиш мумкин эмас. Бу ишда эса рационализатор ва ихтирочилар катта роль ўйнайди. Коммунистик меҳнат учун ҳаракат қанчалик тез кенгайиб борса, рационализаторларнинг сафи шунчалик кўпаяди. Ҳозирги вақтда кенг меҳнаткашлар оммаси техника прогресси, меҳнат унумдорлигини кескин ошириш учун курашга кириштган. Коммунистик меҳнат зарбдорлари уларнинг олдинги сафларида боришяпти. **Агар 1959 йилда келажак разведкачиларининг фақатгина саккиз процентига рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатида иштирок этган бўлса, 1963 йилда бу кўрсаткич 36,6 процентни ташкил этди.**

— Бу фактлар меҳнатга янгича муносабатнинг қарор топаётганлигидан, ишчилар синфининг юксак онглилиги ва уюшқоқлигидан, унинг маданий-техника савияси ва малакаси ошиб бораётганлигидан далолат беради, — дейди докладчи. — Келажак разведкачилари эски ташкилий формаларни бартараф этиб, социалистик мусобақа ривожланиши давомидаги тажриба тўплаган барча рационал ва эффектив нарсалардан фойдаланишга интилишади. Улар янги формаларни қидириб топадилар, уларни янги мазмун билан бойитадилар, бу билан ана шу формаларни коммунизм кишисига хос юксак онгли, ҳар томонлама комол топган меҳнаткашни тарбиялашнинг актив воситасига айлантирадилар.

Комплекс бригадалар ана шундай формаларнинг биридир. Меҳнатни ташкил этишнинг бундай формаси кишилар ўртасида коммунистик муносабатлар куртаклари — коллективизм, ўзаро ёрдам, топширилган ишга масъулият сезиш ҳисси, ижтимоий бурчни англаш каби фазилатларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Докладчи шуни таъкидладики, қатор корхоналарда ўтказилган анализ коммунистик меҳнат учун ҳаракатда иштирок этаётган ишчилар меҳнати унумдорлиги корхона бўйича олинган ўртача кўрсаткичларга нисбатан анча ошиқлигини кўрсатди. Масалан, «Ўзбекхиммаш» заводида 1963 йилда ҳар бир ишчининг меҳнати унумдорлиги 1962 йилдагига қараганда 3,9 процент ошган бўлса, коммунистик меҳнат учун ҳаракатда иштирок этаётганларнинг бу кўрсаткичи 11,3 процентни ташкил этган. Областдаги бошқа корхоналарда ҳам худди шундай аҳволни кўриш мумкин.

Илмий-текшириш институтлари, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг ходимлари ҳам коммунистик меҳнат учун ҳаракатга, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш бўйича бошланган курашга қўшилмоқдалар. **Ҳозирги вақтда Тошкент областидаги саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, ўқув муассасаларида 166 та жамоатчи конструкторлик ва технологик бюролари муваффақиятли ишламоқда. Бу бюроларда 1308 мутахассис қатнашмоқда. 85 та жамоатчи иқтисодий анализ бюросига эса 780 инженер ва техник бирлашган.**

Докладчи коммунистик меҳнат учун ҳаракатдаги камчиликлар ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни айтди.

— Коммунистик партия томонидан саноатимиз олдига қўйилган катта вазифалар муваффақиятли бажарилаяпти. Ютуқларимиз чакки эмас. Агар биз халқ хўжалигидаги барча резерв ва имкониятлардан янада яхшироқ ва тўлароқ фойдаланганимизда муваффақиятларимиз тағин ҳам улкан ва баракали бўларди. Ҳали кўпгина корхоналар, қурилиш ташкилотлари давлат планларини бажаришнинг ўддасидан чиқолмаётирлар. Бундай кўнгилсиз воқеалар ҳатто коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни олиш учун курашга қўшилган корхоналар, цехлар, участка ва бригадаларда ҳам содир бўлмоқда.

Олмаликдаги кўргошин-рух комбинатида бу ватанпарварлик ҳаракатига минглаб киши жалб қилинган, 4100 дан ортиқ ходим коммунистик меҳнат коллективи ва зардоби деган шарафли номни олган. Аммо комбинат шу йилнинг биринчи квартали учун белгиланган ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича давлат топшириқларини бажармади. Бу шуни кўрсатадики, корхона раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари коммунистик меҳнат ғалабаси учун бошланган курашга етарли раҳбарлик қилмаётирлар. Бу муҳим масалани эътибор марказида тутмаётирлар.

Областимизда меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтиришда оқсаётган корхоналар, цехлар, бригадалар ва участкалар анчагина бор. Масалан, Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида коммунистик меҳнат учун мусобақада 2 минг 40 киши иштирок этмоқда. 21 бригада ана шу шарафли номни қозонган. 50 бригада ва бир цех коллективи унга эришиш учун курашмоқда. Кўриб турибсизки, коммунистик меҳнат учун мусобақа кўлами анча кенг. Лекин корхона конвейеридан сифати паст пойафзаллар ҳамон тушмоқда. Ўтган йили савдо ташкилотларидан олинган рекламацияларга 31 минг сўмлик штраф тўланди.

Сўнгра докладчи КПСС XXII съезди ва партия Марказий Комитетининг бундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошириш бўйича область партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда барча коммунистик меҳнат тантаналари учун курашувчилар олдида турган вазифалар ҳақида батафсил тўхтади.

Коммунистик меҳнат учун курашнинг бундай формаси «Инженерлик соати» деб ном олди ва мамлакатимизнинг барча корхоналарига тез ёйилиб кетди. Биргина Тошкент областининг ўзида юздан ортиқ завод ва фабрика коллективлари бу ҳаракатга қўшилдилар. «Инженерлик соати» жорий қилинганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ошиб, давлатнинг ўн минглаб сўми тежалди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинадиган вақтни қисқартириш ҳисобига биргина «Таштекстильмаш» заводи 14530 норма-соат, 9520 сўм тежаб қолди.

«Инженерлик соати»нинг экскаватор заводидаги ихтирочилар ва рационализаторлар армиясининг кенгайишида ҳам роли катта бўлди. **Бу корхонада 1962 йили 211 рационализаторлик таклифи тушган бўлса, 1963 йили рационализаторлик таклифлари сони 754 тага етди.**

Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг яна бир ёрқин ифодаси жамоатчилик асосида ишлайдиган конструкторлик, иқтисодий анализ, техника информацияси бюролари ташкил этилганлигидадир.

Ҳозирги вақтда Тошкент тўқимачилик комбинатида 42 та жамоатчи конструкторлик бюролари бор, уларда 150 дан ортиқ киши иштирок этаяпти. 1963 йили улар 45 йирик тадбирни амалга ошириб, рационализаторлик таклифлари жорий қилиш ҳисобига 50 минг сўм маблағни тежаб қолдилар. Комбинатда 8 та иқтисодий анализ бюроси ишлаб турибди.

Нотиқ техника прогрессини таъминлашнинг турли форма ва методлари ҳақида батафсил гапирди. Тошкент экскаватор заводи коллективи мисолида кўрсатиб ўтади. Завод инженер-техник ходимларининг ҳар бири машина ва механизмлар конструкциясини ўзгартириш, янги технологияни жорий қилиш ва такомиллаштириш, меҳнатни ташкил қилишнинг янги-янги формаларини жорий қилиш, бу билан ҳар бир экскаваторни йиғиш учун сарфланадиган вақтдан 30 минут иқтисод қилиш учун кураш бошладилар. Меҳнат сарфини камайтириш учун бошланган курашга заводнинг барча ишчилари ҳам қўшилдилар. Улар ҳар бир операцияга сарфланадиган вақтни икки минутга камайтириш мажбуриятини олдилар.

Коммунистик меҳнат учун социалистик мусобақани янада жонлантириш мақсадида 1963 йили шаҳар партия комитети пленум ўтказиб, бу масалани муҳокама қилди. Пленум қарорлари барча бошланғич партия ташкилотларининг очиқ мажлисларида муҳокама қилинди.

— Чирчиқ меҳнаткашлари, — дейди сўзининг охирида Ўртоқ Ф. Ёқубов, — партия ташкилотларининг раҳбарлигида коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳари номини олиш учун курашни муваффақиятли давом эттирмоқдалар.

МУҲИМ РЕЗЕРВЛАР

Тошкент халқ хўжалик институти саноат экономикаси кафедраси ўқитувчиси Ўртоқ **Аҳмедов** меҳнатни ташкил қилиш, иш вақтидан рационал фойдаланиш коммунистик меҳнат учун курашнинг шартларидан бири эканлигини кўрсатди. Нотиқ иш вақтининг бекўда сарфланиши меҳнат унумдорлигини пасайтириб юбораётганлигини таъкидлади.

Пойтахтимиз энг кекса корхоналаридан бири Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи коллективи саноат эстетикасини жорий қилиш каби қимматли ташаббус билан чиқди. Меҳнат маданияти қанча яхши бўлса, киши меҳнатни шунча ардоқлайди. Бу заводда барча цехлар кўзни қувонтирадиган даражада озода ва сариштa. Бу ишларнинг ҳаммаси жамоатчилик асосида ташкил қилинган. Саноат эстетикасини жорий қилишда коммунистик меҳнат зарбдорлари асосий рол ўйнадилар.

Ўртоқ Аҳмедов меҳнатни операцияларга бўлиш, ишчиларнинг турли касбларни эгаллашлари ва унинг фойда-зараларини ҳақида батафсил гапириб берди. Нотиқ «Ташсельмаш» заводидаги Вадим Мельников бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг контролёрсиз, слесарсиз ва созловчисиз ишлаш тажрибасини иқтисодий томондан анализ қилиб берди.

Ўзбекистон металлургия заводининг директори Ўртоқ **М. Муҳамедов** ўз нутқини меҳнат эстетикасига бағишлади. У заводда бу соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди.

«Чирчиксельмаш» заводи коммунистик меҳнат участкасининг бошлиғи Ўртоқ **С. А. Васильчиков** ўзи ишлаётган корхона келажак разведкачиларининг ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Шунингдек конференцияда Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари **Т. И. Акимова**, 153-қурилиш трести комплекс бригадасининг бошлиғи **Р. Зияев**, Тошкент саноат область комсомол комитетининг секретари **А. Қаххоров** ва бошқа Ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Тошкент саноат область партия комитетининг Ўрта Осиё халқ хўжалик кенгаши, саноат область касаба союзлари Совети, ЎзССР Фанлар академияси экономика институти ва Тошкент халқ хўжалиги институти билан биргаликда ўтказган бу конференция республика ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик юбилейига бағишланди.

Конференция ишида партия, касаба союз ва комсомол ходимлари, шунингдек саноат корхоналарининг раҳбарлари, олимлар, экономистлар, мастерлар, бригадирлар, коммунистик меҳнат зарбдорлари, ҳаммаси бўлиб 800 га яқин киши қатнашди.

Илмий-назарий конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг инструктори М. П. Габдуллин, Тошкент саноат ва қишлоқ область партия комитетлари ҳамда шаҳар партия комитетининг секретарлари қатнашдилар.

Илмий-назарий конференция қатнашчилари коммунистик меҳнат учун олиб борилаётган социалистик мусобақани янада ривожлантириш тадбирларини ишлаб чиқдилар.



Суратда: (олдинги қаторда, чапдан) конференция қатнашчиларидан Тошкент кўн-галантерия комбинати тикувчиси Т. Борисова Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретарининг ўринбосари Э. Ҳамидов, Тошкент кўн-галантерия комбинати вакуум цехи Н. Пайтьян, шу комбинат касаба союз комитетининг раиси У. Алимов ва Олмалиқ шаҳар партия комитетининг секретари Г. И. Потатуев ўртоқлар танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

И. Ворфоломеев фотоси.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда меҳнат унумдорлигини ошириш катта роль ўйнайди. Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири иқтисод фанлари доктори, профессор **А. Аминов** конференцияда ана шу масала ҳақида гапирди.

— Социалистик мусобақа, — дейди нотиқ, — социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари кишиларни бир-бирларига яқинлаштиради, уларнинг ижодий кучлари ва талантларини юзага чиқаради, меҳнатга онгли муносабатда бўлишларини таъминлайди. Социалистик мусобақа ўзининг оммавийлиги, бегаразлиги билан капиталистик системадаги конкуренциядан тубдан фарқ қилади.

Бизда социалистик мусобақа омманинг туб манфаатлари учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у оммавий тус олган. **Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, шунингдек муассасаларда ишлаётган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва барча меҳнаткашларнинг 90 процентидан ортиғи социалистик мусобақа иштирокчиларидир.**

1963 йилда мамлакатимизда 2 миллион 800 минг ихтирочи ва рационализаторлар 4 миллион 400 минг таклиф киритган эди. Шулардан 2 миллион 750 мингги ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида йилига 1 миллиард 700 миллион сўм иқтисодий фойда кўрилди. Ўзбекистон рационализаторлари ўтган йили 35 мингдан ортиқ новаторлик таклифлари киритдилар. Шулардан 22 мингтаси ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 20 миллион сўмдан мўлроқ фойда олинди. Бу таклифларнинг аксариятини Тошкент область саноат корхоналари рационализаторлари киритдилар. Йил давомида олинган 20 миллион сўм фойдадан 12 миллион сўми Тошкент область саноат корхоналари ҳисобига тўғри келади.

Коммунистик меҳнат учун бошланган ҳаракатда актив иштирок этиш барча халқ хўжалик план топшириқларини бажариш, бутун ишчи кучи ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш циклини қисқартириш, корхоналарнинг оборот маблағларидан тўғри фойдаланиш ва шу йўл билан меҳнат унумдорлигини кескин кўтариш имконини беради.

Коммунистик меҳнат учун ҳаракат, — деб сўзини якунлайди профессор, — ниҳоят социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига ўсиб ўтиши, янги одамни — коммунистик жамият кишисини тарбиялаш имконини беради.

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ УЧУН МУТТАСИЛ КУРАШАЙЛИК

Ўрта Осиё Халқ хўжалик кенгаши раисининг ўринбосари Ўртоқ **Л. О. Назарьянц** конференция қатнашчиларига коммунистик меҳнат учун ҳаракат формаларининг ривожланиши ва ҳозирги замонда техника прогрессини таъминлаш масалалари юзасидан гапириб берди.

— Техника прогресси, — дейди нотиқ — социалистик меҳнатнинг коммунистик меҳнатга аста-секин ўтиб бориши учун моддий асос ҳисобланади. Шунинг учун ҳам илмий-техника прогрессини тезлаштириш умумхалқ иши бўлиши лозим.

Техника прогресси меҳнат мазмуни, шароити ва уни ташкил этишнинг формаларини такомиллаштиради. Механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини ошириш туфайли оғир қўл меҳнатига барҳам берилади, ишлаб чиқаришда юқори унумдорликка эришиш учун хизмат қилади. Нотиқ «Ташсельмаш» заводи коллективининг бу соҳада олиб бораётган ижобий ишларидан мисоллар келтиради. Завод рационализатор ва ихтирочилари ҳамкорликда ярим автоматик равишда ишлайдиган агрегат станок яратишди. Бу станок деталларни ўрнатиш ва олишдан ташқари барча операцияларни автоматик равишда бажаради. Бу ихтиро меҳнат унумдорлигини икки баравардан ортиқроқ оширди, оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш имконини берди. Энг асосийси ишлаб чиқариш маданияти ошди. Тошкент саноат корхоналари ихтирочи ва рационализаторларнинг шундай ажойиб ишларидан кўпгина мисоллар келтирди нотиқ.

Техника прогресси учун кураш коммунистик меҳнат учун курашнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ўртоқ Назарьянц буни

КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

— Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун курашда, — дейди область касаба союзлари Советининг раиси Ўртоқ **А. В. Браилов**, — мамлакатимиз меҳнаткашларининг энг оммавий ташкилоти бўлган касаба союз ташкилотлари катта роль ўйнайди. Тошкент области касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этишда бирмунча ютуқларга эришдилар. Кейинги вақтларда коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш учун бошланган кураш, айниқса оммавий тус олди. Касаба союзлари социалистик мусобақани ташкил қилиш билан бирга олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши устидан контроллик ҳам олиб бормоқдалар.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи касаба союз комитети область биринчи бўлиб социалистик мусобақа натижаларини ҳар куни якунлаш тажрибасини жорий қилди. Бунинг учун завод дирекцияси ва касаба союз комитети биргаликда ҳар бир цехда комиссиялар ташкил этдилар.

Ўртоқ Браилов 153-қурилиш трестида хизмат қилаётган ўртоқ Р. Зияев бошлиқ бригада касаба союз группасининг социалистик мусобақани ташкил этишдаги тажрибасини батафсил ҳикоя қилди. Бу бригадада хўжалик ҳисоби асосида меҳнатнинг коллектив формаси жорий қилинган.

Область касаба союзлари Совети, фабрика ва завод маҳаллий комитетлари корхоналарда социалистик мусобақани кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан бирмунча ишларни қилдилар. Область касаба союзлари комитетлари коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларининг иш тажрибаларини ўрганиб, кенг пропаганда қилмоқдалар. Область касаба союз Совети область партия комитети билан биргаликда коммунистик меҳнат ҳаракати қатнашчиларининг слётини ўтказдилар. Слётда коммунистик меҳнат учун курашнинг энг илғор формалари ва бу курашнинг бригадаларда, участкаларда, цех ва корхоналарда ташкил қилиш тажрибалари ўртоқланишилди.

ЧИРЧИҚЛИКЛАР АҲДИ

Шаҳримиз коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри деган шарафли номни олиш учун курашни бошлаганига ҳали унча вақт бўлгани йўқ, — дейди Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ **Ф. Г. Ёқубов**. — Ана шу қисқа давр ичида шаҳарликларнинг маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар экономикаси юксалмоқда.

Коммунистик шаҳар номини олиш учун кураш бошланган вақтдан бери шаҳар партия комитети раҳбарлигида саноат корхоналарида 885 йирик ташкилий-техникавий тадбирлар кўрилиб 2 миллион 300 минг сўм иқтисодий фойда олинди. 860 дан ортиқ янги машина ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Меҳнат унумдорлиги шу давр ичида 25 процент ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми эса икки баравар кўпайди.

Эришилган бу ютуқлар меҳнаткашларнинг ижодий активлиги ошганлигидан далолат бериб турибди. Қилаётган барча яхши ишларимизда шаҳардаги коммунистик меҳнат ҳаракати илғорлари авангард бўлмоқдалар.

Шаҳар партия комитети корхона ва муассасаларда жамоатчилик асосида ишлашнинг янги-янги формаларини жорий қилиш бўйича қатор чоралар кўрди. **Шаҳар партия комитетининг ҳузурида 6 та бюро ва бўлимлар жамоатчилик асосида иш олиб бормоқда. Шаҳар саноат корхоналарида тузилган 17 иқтисодий анализ бюроларида 207 киши иштирок этмоқда. Шунингдек жамоатчилик асосида ташкил этилган 20 та конструкторлик ва технологик бюросида 188 киши ишлаб турибди. Биргина электрохимия комбинати ҳузурида тузилган конструкторлик бюроси ўтган йили 49 темани ишлаб чиқаришга жорий қилиб, 40 минг сўм фойда келтирди.**

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш жараёнида коммунизм кишиси камол топаётир. Сиёсий маориф шохобчаларида ўтказилаётган машғулотлар савия-си лекция пропагандаси, агитация, маданий-оқартув ишлари бирмунча яхшиланди.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ — ТАРБИЯЧИ

Самитовнинг ҳа деганда ишдан қайтавермаганидан ховотир олган Ольга болаларига:

— Вой шўрим, бугун адангнинг ойлик оладиган куни, яна кечикиб қолди... Маст бўлиб келиб, тағин тўполон қилмасайди, — деди ташвишланиб. Худди шуни кутиб тургандай, эшик тарақлаб очилиб, Самитов гандираклаб уйга кириб келса бўладими! У уйга кирдию, хотини Ольгага алжираб бошлади. Бундан хабардор бўлган кўни-қўшнилар уни тартибга чақириб:

— Ўртоқ Самитов бола-чақалик кап-катта одамсиз. Оилани бунчалик хафа қилишингиз яхши эмас, — дейишди.

— Менга болалар ҳам, насиҳатчи ҳам керак эмас, —деб уларни жеркиб ташлади Самитов.

Самитовнинг бир неча бор такрорланган бундай қилмишларидан қаттиқ хафа бўлган Ольга эри ишлаётган пайпоқ-трикотаж фабрикаси маъмурияти ва партия комитети бюросига мурожаат қилди. Бундай воқеаларнинг тезда олдини олиш ўзининг муҳим бурчи эканлигини яхши тушунган фабрика партия комитети бюросининг секретари Ўртоқ Жангирова масалани қисқа вақт ичида ўрганиб чиқди ва Самитов хулқи-атворини ишчилар йиғилиши муҳокамасига қўйди. Йиғилишда Самитовни изза қилишди. У, бундан буён ичиб келиб, хотинини ҳақорат қилмаслик ҳақида коллективга сўз берди.

Бироқ, у ўз сўзининг устидан чиқмади, яна ичкиликка берилиб, оилани безовта қилаберди. Бунинг устига унинг корхонадаги ишининг сифати ҳам пасайиб кетди. Самитовни тарбиялашни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган Жангирова иккинчи марта уни йиғилиш муҳокамасига қўйди. Самитов бу сафар айниқса қаттиқ данки еди, у йиғилишдан бошини кўтара олмай чиқиб кетди. Унинг бу сафарги ваъдаси жуда қатъий бўлди. Бу сафар муҳокама қатнашчилари Самитовнинг юриш-туришини кузатиб боришни унинг яқин Ўртоқларига топширишди. Ўша кундан бошлаб унинг хулқ-атвори, юриш-туриши, ўз ишига бўлган муносабати касбдошларининг назар-эътиборида бўлди.

Фабрика партия бюроси ва коммунистларнинг Самитовни тарбиялаш йўлида қилган меҳнатлари бекор кетмади. Слесарь А. Самитов ҳозир фабрика механика цехининг энг яхши ишчиларидан бири ва намунали оила бошлиғи бўлиб қолди.

Тарбиявий иш Тошкент пайпоқ-трикотаж фабрикаси партия ташкилоти ва ишчилар коллективининг жонажон ишидир. Фабрика партия бюроси корхонадаги ҳар бир кишига баҳо беришда унинг ўз оиласига, меҳнатга ва коллективга бўлган муносабатини ҳиссбга олади. Зотан жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам: оилада бир-бирини ҳурмат қилиш, болалар тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш коммунизм қурувчиси аҳлоқ кодексининг муҳим талаблари ҳисобланади.

Яқинда тўқув цехи ишчиси Собира Мухторова коммунистик меҳнат зарбдори бўлишга лойиқми ёки лойиқ эмасми деган масала тикув цехи ишчилари йиғилишида муҳокамага қўйилди.

— Турмуш ўртоғингиз билан аҳилмисиз?

—Болаларингизни қандай тарбияламоқдасиз?

Ишчилардан тушган шу каби саволларга Ўртоқ Мухторова дадил жавоб берди. Собира опа ва унинг турмуш ўртоғи Мухторов уч фарзандини тарбиялашмоқда. Мана, катта ўғиллари Абдураҳим пойтахтимиздаги трактор-йигув заводида слесарь бўлиб ишлаш билан бирга, кечки ишчи-ёшлар мактабининг саккизинчи синфида ўқийди. Ўртанчи ўғли Салаватжон эса 143-мактабнинг бешинчи синфида, кенжатойи эса болалар боғчасида тарбияланмоқда. Фарзандлар меҳрибон она ва отанинг ўзаро ҳурмати, аҳиллиги ва меҳнатсеварлигидан ибрат олиб, улғайишяпти.

Фабрикада 3 мингдан зиёд киши ишлайди. Уларнинг ҳаммасини ҳам Мухторовлар оиласидек аҳил ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш доимо партия комитети бюросининг секретари Фаина Галиевна Жангирова ва актив коммунистлар диққат марказида туради. Ўртоқ Жангирова ҳар бир ишчининг хоҳ фабрикада, хоҳ уйда ўзини қандай тутаётганлиги билан қизиқади. Уларнинг ҳамма қувонч ва ташвишларидан хабардор бўлиб туради. Шу сабабли ҳам турмушда баъзи қийинчиликларга дуч келган айрим ишчилар дарҳол партия комитети бюросига келиб, бу меҳрибон, сезгир аёлга мурожаат қиладилар. Юракларидаги гапларини айтиб, ундан мадад ва маслаҳатлар оладилар.

Фабрика партия ташкилоти раҳбарлигида коммунистлар КПСС Программасида кўрсатилган коммунизм қурувчисининг аҳлоқ кодекси принципларини амалга оширишмоқда. Бу ерда ҳар бир ишчининг хулқи ва ўз ишига бўлган муносабатига коллектив баҳо беради.

Тикув цехида иш унуми пасайиб кетганлиги тўғрисида партия бюросига сигнал тушди. Фаина Галиевна бу ачинарли ҳолнинг олдини олиш учун цехдаги ишчиларнинг бир нечаси билан суҳбатлашди. Маълум бўлишича, қизлар истиқомат қилувчи ётоқхонада зарур маданий-маиший шароит яратилмаган экан. Етоқхона коменданти ўз ишига совуққонлик билан қараган, қизлар ўртасида интизом бўшашиб кетган. Натижада Т. Зайцева, О. Зинина, Е. Рибакова сингари қизларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари анча пасайган. Жангирова ишдаги бу камчиликларни тугатиш, цех ишлаб чиқаришини тўғри йўлга солиб юбориш учун комендант билан алоҳида суҳбатлашди. Комендант Е. Собль ўз айбига иқрор бўлиб, қизлар ўртасида қисқа вақт ичида интизомни намунали йўлга қўйишга ва ётоқхона шароитини яхшилашга сўз берди. Орадан кўп ўтмай қизлар ишга кечикиб келмайдиган бўлишди. Цех ишлаб чиқариши ҳам илгаригидек яхши йўлга қўйилди.


Корхона партия ташкилоти ишчи ва хизматчилар учун оила, ахлоқ темаларида лекция ва суҳбатлар уюштириб туради.

Кишиларга коммунистик ахлоқ принципларини сингдириш юзасидан партия ташкилоти амалга ошираётган бу каби тадбирлар корхона ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Т. ҲАКИМОВ.

ПИЛЛА ТОПШИРИЛАЯПТИ

ЖЎШҚИН ҚАЛБ ЭГАСИ



Колхознинг азамат деҳқонлари оби-ҳаво қулай келган ҳар бир кундан, соатдан оқилона фойдаланиб эртаги сабзавот ва картошка экишни тез ва сифатли ўтказдилар. Олди картолардаги карам етилиб қолибди. Картошка ҳам авж олиб, палак отибди. Далаларга узоқдан нигоҳ ташласангиз дилингиз яйрайди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаяпти.

— Тўғри, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Туроб ака Нормуҳамедов, — оби-ҳавонинг ноқулай келиши чигит экишни анча кечиктириб ва қийинлаштириб юборди. Лекин бу ҳол сабзавоткорларнинг ишига сира-сира халақит бермади.

Даладаги жўшқин меҳнат нафаси раснинг гаплари ҳақ эканлигини кўрсатиб турибди. Азамат миришкорлар эл дастурхонининг зийнати — сабзавот, картошка, мевани мўл етиштириш йўлида йилдан-йилга баракали меҳнат қилмоқдалар.

Колхоз эришаётган ютуқларда яна қандай «сир» бор? Кенг далада завқ-шавқ билан меҳнат қилаётган колхозчиларга назар ташлар экансиз, бу саволга жавоб излардик. Шунда область сабзавотчиларининг кенгашида музокарага чиққан кекса, тажрибали деҳқоннинг гаплари ёдимизга тушди.

— Бригадир, — деган эди у, — колхоз ишлаб чиқаришида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ахир ўзингиз мундоқ мулоҳаза қилиб кўринг. Колхоз — бу катта оила. Ундаги ҳар бир ишга, ҳар бир икир-чикирга бош қўшиш, аралашиш, йўл-йўриқ кўрсатишга раиснинг ёки парткомнинг, агрономнинг вақти етишмайди. Шунинг учун улар бригадирга суянишади. Агар бригадир инсофли бўлмаса, интизомли бўлмаса, минг уринг барибир сабзавотчиликда ишингиз ўнгидан келмайди. Нега дейсизми? Сабзавотчилик — бу майда иш. Бригадага бир мавсумда неча-неча тонна уруғ, неча-неча минг туп кўчат келиб тушади, қанча-қанча тонна ҳосил олинади ердан.

Биз кекса деҳқоннинг ана шу мулоҳазаларини раисга эслатдик.

— Жуда ҳақ гап, — деди Туроб ака, — сабзавоткорнинг кўнглидаги гап. Бизнинг бригадирларимиз ана шундай кишилар. Мана, Носир отани олиб кўрайлик. Ўзи кексайиб қолган: пенсияга чиққан, лекин ҳали билагимда кучим, қувватим бор, ўйда ўлтириб нима қиламан деб бундан икки йил аввал правлениега келди. Яна бригадирликка қайтди.

Носир ота учун ернинг яхши ёмони йўқ. Оби-ҳаво ундай, бундай бўлиб қолди, деб сира-сира шикоят қилмайди. Ишга ҳаммадан олдин чиқади. Баъзиларга ўхшаб, мен бригадирман деб қўл қовуштириб, буйруқ бериб ўтирмайди. Катта-кичик билан биргалашиб, ишга аралашиб кетаверади. Шунинг учун ҳам бригадасидагилар уни ҳурмат қилишади, айтган нарсасини вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажариб қўйишади.

— Икки йил олдинги воқеа ҳали-ҳали ёдимда, — деди раис. — Ҳисобот сайлов йиғилишида планни бажармаган бир бригадирнинг фаолиятини муҳокама қилдик. Ундан нега ери сизнинг ерингиз билан туташ, бир ариқдан сув ичадиган бригада планни қойил қилиб қўйди-ку, сиз бўлсангиз планни бажармадингиз, унда бор техника сизда ҳам бор-ку, пландагидан ортиқча ўғит ишлатсангиз ишлатдингиз-у, кам ишлатмадингиз, ёки сизнинг бригадангиз ерига қуёш кам нур сочдими деб сўрадик. У бўлса ердан бошини кўтармасдан:



— Еримиз ориғлаб қолган экан, бизни анча қийнаб қўйди, — деди.

Шунда Носир ота сўз сўраб қолди.

— Бундай деб айтманг, — деди у, — уят бўлади. Бошингга қилич келса ҳам тўғрисини айт дейдилар. Интизомсизлик қилдим, ўзим бошқаларга ўрнак бўлолмадим, гердайиб кетдим, деб айтаверинг. Кўпчилик гуноҳингизни кечади. Одамнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Отанинг бу гаплари унга қаттиқ таъсир қилди, шекилли бир нарса демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, гапни яна Носир ота илиб кетди.

— Агар майли десаларингиз, — деди у кўпчиликка қараб, — мен бу бригадани оталикка оламан. Биргалашиб ишлаймиз.

Носир ота ўз сўзининг устидан чиқди. Ерни экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олгунга қадар ўша қолоқ бригаданинг ишидан хабардор бўлиб турди. Қайси ерга қайси экинни экилса яхши битади, қай маҳалда ўғитлаб қай маҳалда суғориш керак, булар ҳақида вақти-вақтида маслаҳат бериб турди. Йил охирида ўша бригада қаддини ростлаб олди. Ҳар гектаридан 12—13 тоннаданга етказиб картошка, 30—35 тоннадан помидор ва карам топширди. Носир ота ана шундай ғайратли ва ишлаб чарчамайдиган кексалардан. У колхозимиздаги ҳосилот советига раислик қилади.

Отанинг энг яхши фазилати шундаки, у ерни сира пўстдумбага чиқармайди. Бир ердан бир йилнинг ўзида икки марта ҳосил олишнинг ташаббускори ҳам Носир ота. Ўтган йили у бошлиқ бригадада 4 гектар ерга эртаги карам экилиб, 32 тоннадан ҳосил олинди. Сўнг ўрнига картошка экилиб, унинг гектаридан 12 тоннадан ҳирмон кўтарилди. Ота бу йил ҳам ғайрат қилаяпти.

Раис шу гапларни айтар экан, чап томондаги карталарга ишора қилди, бу ерга экиб қўйилган карам етилиб қолибди. Кейинги кунларда бўлиб ўтган ёмғир карамга айни даво бўлибди. Ҳосилининг ҳар бири катта чинни пиёладек келади. Эгат оралаб икки киши сув тараб юрибди. Булар бригаданинг моҳир сувчилари Ҳожимурод Норимбоев, Ҳасанбой Эрматовлар эди. Раис уларга яқинлашди ва ҳол-аҳвол сўради.

— Бригадир қаерда, — сўради Туроб ака.

— Ҳов нариги картада, — жавоб беришди сувчилар, — сўнгги гектарларга помидор кўчати экилаяпти.

Помидор экилаётган картага етиб келдик, нуроний, юзлари офтобда тобланиб қорайган, мускуллари бўртиб турган бир чол бизга пешвоз чиқди. У колхозчилар билан биргалашиб помидор кўчатларини саралаётган экан.

— Сара уруғ — ҳосил бўлиқ, — деди Носир ота, — биз эришаётган ютуқларнинг сирларидан бири шуки, уруғни обдон саралаб, сўнг экамиз. Бир-икки кун кечиксак ҳам майли, лекин иш бошидан пухта бўлади-да. Мана бугун кечгача помидор экишни ҳам тугаллаймиз.

Раис йўлда келаётиб карам карталарини кўздан кечирганлигини, ҳосил яхши бўлганлигини айтиб, бригадирга ва ўша ердаги колхозчиларга миннатдорчилик билдирди.

— Буёғидан хотиржам бўла беринг, карам гектаридан 35 тоннадан ошса-ошадики, кам бўлмайди. Ахир озмунча меҳнат қилганимиз йўқ, — деди бригадир, — ўзингизнинг хабарингиз бор, экиш олдидан ҳар гектарга 20 тоннадан компост солдик. Биринчи чопиқда эса 300 килограммдан фосфор ишлатдик...

Моҳир сабзавоткор Носир ота Тошқўзиев бошлиқ бригаданинг қайси бир пайкалига бормайлик, ҳамма ерда ҳам экинлар меҳр билан парвариш қилинаётганлигини, колхозчиларнинг ихлоси зўр эканлигини кўрдик.

— Бу йил биз ҳаммаси бўлиб, — дейди ўртоқ Тошқўзиев, — 54 гектар ерда деҳқончилик қиламиз. Дастлабки ютуғимиз чакки эмас. Уч гектардаги август пиёзидан яхши ҳосил олдик. Бу йил ҳам бир ердан бир йилнинг ўзида икки марта ҳосил олиш соҳасидаги ишимизни давом эттирамиз. Бунинг учун биз биринчи экиндан ҳосил олишда унинг тоннасига эмас, сифатига аҳамият берамиз. Ана шунда ер иккинчи экинга тезроқ бўшайди. Бир гектар ерга сабзи экиб қўйганмиз, бу майдон июнь ойида бўшайди. Унинг ўрнига дарҳол карам экамиз, кечки карамнинг ҳар гектаридан 25 тоннадан ҳосил оламиз. Икки гектар ерга эртаги бодринг экилади, июль ойида бодринг ҳосили йиғиштириб олингач, ҳар гектаридан 12-13 тоннани ният қилиб турибмиз, ўрнига сабзи экилади, сабзининг ҳар гектаридан 13 тоннадан ҳосил олинади. Бошқа экинларимиз ҳам ёмон эмас. Тўрт гектардаги эртаги картошкадан бўшаган ерларнинг 2 гектарига август пиёзи, қолганига эса карам экилади, бу майдондаги карамнинг ҳам ҳар гектаридан 25 тоннадан ҳосил оламиз. Хуллас, бизда бир йилда бир марта ҳосил берадиган ер кам қолади. Ер-хазина деганлари шу-да. Ҳамма гап ана шу хазинанинг калитини билиб ишлатишда қолган.

Бригадада бу йил 20 гектар ерга арпа экилибди. Ана шу арпанинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун кураш боряпти, арпадан бўшаган ерга эса кечки карам, картошка, помидор экилади. Шундай қилиб, бригада бу йил салкам 800 тонна деҳқончилик маҳсулоти етказиб бериш учун курашмоқда.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг сабзавотчиликдаги шуҳрати йилдан-йилга ошсалиб бораётган экан, бунда кекса ва тажрибали деҳқон Носир ота Тошқўзиевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Колхозда Носир отанинг издошлари кўпайиб бораяпти. Мана Ҳожимурод Зокиров бригадасини олайлик. Бу бригада ҳам ўтган йили тўрт гектарда ҳам эртаги картошка, ҳам карам етиштирди. Ана шу тўғрида гап борганда ҳам Носир отани ҳурмат билан тилга олади. — Раҳмат отага, — дейишади улар, — у бизни ернинг қадрига етишга, баракали хирмон кўтаришга ўргатаяпти.

Н. РИХСИЕВ.

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXII съезди» колхозининг азамат пиллачилари райондагина эмас, областда биринчи бўлиб пилла топширишга киришдилар. Қабул пунктига дастлабки бир неча юз килограмм қимматли хомашё етказиб беришди. Пиллачиларнинг бу ютуғи ўз-ўзидан қўлга киргани йўқ, албатта. Қурт боқиш мавсумига тўла уюшган ҳолда киришган миришкорлар биринчи кунлардан бошлаб баракали хирмонни чоғлаб жавлон уришди. Ғайрат камарини боғлаб фидокорона қилинган меҳнат самара берди. Колхоз инпак қурти эрта пилла ўрай бошлади.

Пиллачилар орасида Холбуви Эрйигитова айниқса ажойиб муваффақиятга эришди. У қуртларига биринчи бўлиб даста қўйди. Пилла теришга ҳам биринчи бўлиб киришди. Дастлабки куни у 35 килограмм пилла ҳосили топширди. Ишчан аёл ўзи боқаётган бир қути инпак қуртидан пландаги 55 ўрнига 80 килограмм пилла йиғиб топширмоқчи. Колхознинг А. Тугалбоева бошлиқ пиллачилик бригадасининг У. Тожибоева, Х. Қосимбоева, Кекел ва Қундуз Рисбекова, Гулсуной ва Райхон Рисбоева ҳамда Қ. Овулбоева сингари илғор пиллачилари биринчилар қатори даста кўтардилар. Улар ҳам ҳар қути инпак қуртидан 80 килограммдан пилла топшириш учун курашишаяпти.

Ш. Амиров фотоси.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Бошқармадаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 1340 гектар ерда мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиришга аҳд қилишган. Шу кунларда далаларда иш қизғин. Ғўза қатор ораларига узунасига ва кўндаланги. га ишлов берилаяпти. 26 механизатор ҳар куни 190—200 гектар майдондаги ғўзаларни сифатли ишловдан чиқармоқда. Колхозда шу кунга. ча 1000 гектардан ортиқ ғўза майдони культивация қилиниб, 800 гектар майдондаги ёш ниҳоллар озиқлантирилди. 700 гектар ердаги ғўза яганаланди. Дала ишларини бажаришда Х. Ҳамроқулов, А. Абдураҳмонов, Х. Насриддинов, Ким Анна, Т. Сафарова, З. Ҳайдарова сингари колхозчилар бошқаларга намуна кўрсатиб ишламоқдалар.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

ЯНГИЙЎЛ. «92 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз». Бошқармадаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг ўртоқ М. Аметов бошлиқ бригада аъзолари ана шундай шиор остида ишлаб, чигитни бир текис ундириб олдилар. Яшил квадратлар ҳозир кўнка бўй чўзаяпти. Бригаданинг ҳиммати баланд меҳнатсеварлари шу кунларда ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бермоқдалар, уларни озиқлантириб, мўл ҳосил етиштириш иштиёқида тинмай меҳнат қилаётирлар.

Т. Имомов.

ЧИНОЗ. Охунбобоев номли колхознинг ўртоқ С. Мавлудов бошлиқ бригадаси далаларида эгатларни безаган яшил квадратлар оралаб сузаётган «пўлат от»ларнинг ҳайқириги бир зум ҳам тинмайди. Механизатор Р. Норбоев культивацияни узунасига озиқлантириш билан бирга олиб борса, З. Қодиров ёш ниҳолларга қўндалангига ишлов бериб кетаяпти. Бу азаматлар кунлик нормаларини бир ярим-икки ҳиссадан бажармоқдалар.

Бригаданинг миришкор пахтакорлари бу йил 92 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 ўнгача 45 центнердан «оқ олтин» етиштириб, республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллик тўйига муносиб совға тайёрламоқчилар.

Қ. БЎЛГАНБОЕВ.

ДЕПУТАТЛАР КУНИ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Совети ижроия комитети ҳар ойда область, шаҳар, район ва посёлка совети депутатларининг йиғилишини ўтказиб турибди. Бундай йиғилишларда депутатлар ўзаро фикр ва тажриба алмашишади, ижобий ишлар умумлаштирилади, камчиликлар очиб ташланади. Сайловчиларнинг наказларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш каби муҳим масалалар муҳокама қилинади, депутатлар чинакам халқ хизматкори сифатида иш олиб боришлари учун уларга йўл-йўриқлар бериб борилади.

Яқинда навбатдаги депутатлар куни бўлиб ўтди. Унда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ва амалга оширишда депутатлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг иштироки ҳақидаги масала кенг муҳокама қилинди. Бу тўғрида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг старший консультанти ўртоқ М. Барабохин доклад қилди.

Партиямиз XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб маҳаллий совет органлари меҳнаткашлар оммасини давлатни бошқариш ишига кенг жалб этиш масаласи билан жиддий шуғулланмоқда. Ҳозир область шаҳарларида 2016 турли хил жамоат ташкилотлари ишлаб турибди. Уларда 36 мингдан зиёд кишининг актив иштирок этиши бунинг ёркин мисолидир. Бундан ташқари шаҳар ижроия комитетлари ҳузурида ташкил топган 17 штатсиз бўлимда 200 га яқин активистлар ишлаяпти.

Бекобод, Оҳангарон шаҳар ижроия комитетларида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш бирмунча дуруст йўлга қўйилган. Шу билан бирга жамоатчиликка таяниб иш кўрмаётган ижрокомлар ҳам бор. Масалан, Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитетида бир йил мобайнида меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларнинг атиги 12 таси, Чирчиқ шаҳар ижроия комитетида 5 таси, Олмалиқ шаҳар ижроия комитетида 2 таси депутатлар иштирокида кўриб чиқилган, холос. Буни нормал ҳол деб бўлмайди, албатта. Бу ҳол меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари ижроком аппаратларида узоқ вақт жавобсиз туриб қолишига ёки юзаки ҳал қилинишига сабаб бўлмоқда.

Ўртоқ Барабохин депутатларга меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқишдаги хато ва камчиликларни конкрет фактлар билан кўрсатиб ўтди.

М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти бир неча хўжаликларни ўз оталиғига олган. Оталиқдаги бу хўжаликларда студентлар ишлаб чиқариш практикаларини ўтказадилар, далачилик ишларини бошқарадилар.

Бу йил институтни бир неча ёш инженер тамомлайди. Улар қишлоқ хўжалигини интенсивлаш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Суратда: бўлажак инженерлар металлар технологияси кафедрасида навбатдаги машғулотда.

И. Душкин фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПЛАН ЮЗ — ЁРУҒ ЮЗ

Тошкентдаги «Шарқ» фирмасининг мебелсозлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил топганига 40 йил тўладиган муътабар кунни ёруғ юз билан кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб меҳнат қилаётирлар.

Фирма мебелсозлари юбилей шарафига зиммаларига олинган социалистик мажбурият олганлар. Улар йиллик планга қўшимча 20 минг сўмлик кийим-кечак шкафлари, 500 квадрат метр ойна ишлаб чиқаришга сўз беришган. Фирма бош корхонасининг коллективи социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бу коллектив асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришда ибрат кўрсатмоқда. Бош корхона мебелчилари социалистик мусобақада ғолибликни сақлаб келаётганликлари учун корхона маъмурияти ва касаба союз ташкилотининг пул мукофотига сазовор бўлишди. Ўртоқ И. Папастапулос етакчиликдаги коммунистик меҳнат бригадасининг аъзолари ана шу муваффақиятларга салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Т. НАЖМИЙ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ РАВНАҚИ УЧУН

БУГУН ЎЗБЕК БОЛАЛАР АДАБИЁТИ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ОЧИЛАДИ.

Ўзбек совет адабиёти ва унинг ажралмас қисми бўлган болалар адабиёти Октябрь социалистик революциясининг мевасидир.

Коммунистик партия болалар адабиётининг ривожланишига алоҳида эътибор берди, натижада болалар адабиёти гоявий ва бадиий жиҳатдан тобора ўсди.

Ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва юксалишида Ҳ. Ҳакимзода, С. Айний, Ғ. Ғулом, Ойбек, Шокир Сулаймон, Ғайратий, Ҳ. Олимжон, Уйғун каби шоирларнинг қўшган хиссаларини алоҳида қайд қилиш керак.

Талантли шоиримиз Қ. Муҳаммадийнинг коммунистик ахлоқ кодекси нормаларини бадиий ҳикоя қилиб берган «Она-бола меҳри» тўпламлари болалар адабиётимизнинг кейинги йилларидаги ютуғини ҳар тарафлама кўрсатувчи яққол далилдир. Тўпламдаги асарлар темаларининг рангбаранглиги, болалар боплиги, замонавийлиги, юксак гоявийлиги, тилининг образлилиги, воқеаларнинг қизиқарлилиги жиҳатидан кўзга алоҳида ташланиб туради.

Ҳ. Назирнинг «Пионер бола», «Бир туп гўза», «Яхши исм», «Мени танисизми?», Ш. Саъдулланинг «Дастёр қиз», «Сенинг альбомингга», Мирмуҳсиннинг «Мутилал», «Ҳасан-Ҳусан», Адҳам Раҳматнинг «Абдулла Набиев», Ильёс Муслимнинг «Тилла Қўнғиз», А. Мухторнинг «Сут ачиб қолди», П. Мўминнинг «Аҳа қаерда бўлади?», Эсон Раҳимовнинг «Кичик Россия», Қ. Ҳикматнинг «Илон шоҳ» ва унинг амалдори Ари ҳақида эртак», Е. Шукуровнинг «Қасос», А. Мираҳмедовнинг «Қулган чечаклар», М. Бобоев, Ғ. Жаҳонгиров, Ёғин Мирза ва Пўлат Мўминнинг ёш томошабинлар учун ёзган драматик асарлари болаларни ўзига жалб қиладиган асар бўлиб қолди.

Коммунизм даврида яшаб, унда ижод қиладиган кишиларни тарбиялашда санъат, адабиёт ва унинг ажралмас қисми болалар адабиётининг роли ниҳоятда катта.

Меҳнат барча неъматларни яратувчи бўлиб қолмай, балки инсонни камолга етказишнинг ҳал қилувчи воситаси ҳамдир. Шунинг учун меҳнат болалар адабиётининг асосий темаларидан бири бўлиши турган гап.

Болалар ёзувчилари болалар ва ёшларнинг меҳнатда эришган зафарларини тасвирловчи анчагина асарлар ёзди. Бу, кишини хурсанд қилади, албатта. Лекин бу тема замонамизнинг ҳозирги талабидан ҳамон кейинда қолиб келмоқда.

Болалар китоби тарбия учун ёзилади, шундай экан, ёшларни илм-ҳунар, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш темаси ҳам болалар адабиётини асосидир. Бу темаларда ёзилган анчагина кичик ҳажмдаги асарлар бор. Аммо болаларга «ҳаёт дарслиги» бўладиган, замонамизнинг илғор иш-фанини ҳикоя қиладиган асарлар, айниқса, илмий-фантастик асарлар кам.

Ёш томошабинлар театри учун сўнгги йилларда болаларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайдиган, уларни қизиқтирадиган, драматик асарлар ҳам юзага келди. Бу ўзбек болалар драматургиясининг йил сайин юксалиб бораётганлигини кўрсатади. Бироқ, болалар қайта-қайта кўришни хоҳлайдиган асарлар оз.

Ўзбек совет болалар адабиётининг юксалишида ўзларининг баракали хиссаларини қўшган Ғ. Ғулом, Ғайратий ва Шокир Сулаймоннинг ёшлар учун яратган асарлари ҳақида ҳанузгача алоҳида илмий ишлар ёзилгани йўқ. Шуникидек, ўзбек совет болалар адабиётининг профессионал шоирлари Оппоқова, М. Маҳмудова, Мажид Файзи кабилар ҳақида ҳам кўпинча ҳеч нарса дейилмайди. Қ. Муҳаммадий, Ҳ. Назир, Шукур Саъдулла, Пўлат Мўмин ва бошқа болалар ёзувчиларининг ҳаёти, ижоди ҳақида очерклар ёзишнинг вақти етиб қолди.

Ҳар бир киши, айниқса ёш болалар, ашула айтишни жуда хоҳлайди. Мактабларда, пионер йиғилишларида кўнчилик ва якка бўлиб, айтадиган болалар боп ашулаларимиз кам. Шунинг учун ҳам болаларимиздан баъзан ёшига ва савиясига тўғри келмайдиган ашулаларни эшитиб қоласан, киши. Биз болалар ёзувчилари композиторлар билан ҳамкорликда жозибадор ашулалар яратиб беришларининг имкониятларини.

Болалар адабиёти юзасидан бугун Тошкентда очиладиган республика кенгаши болалар адабиётининг ютуқларини якунлаш билан бирга, бирқанча муҳим масалаларни ҳал қилиб, ўзбек болалар адабиётининг янада юксалишида катта воқеа бўлиши турган гап.

А. СУЮНОВ,
Филология фанлари кандидати.

Қаттиқ ерни қазилаб...

Нина бўйи кўк майса,
Бўйсунмас дўл, қорга ҳам,
Қаттиқ ерни қазилаб,
Ўсар эди у бардам.
Ериб тупроқ чокини,
Унди майса толаси,
Ўзи бўлса ингичка.
Дейсан найза боласи.
Ўсал бўлиб қиш жўнар,
Кунинг илиқ тафтида.
Майсани-чи она ер,
Даст кўтарди кафтида.

Қудрат ҲИКМАТ.

КУНГАБОҚАР ВА ТЎЛҚИНЖОН

Кунгабоқар гуллари
Писта бўламан дебди.
Орзу қилиб Тўлқинжон
Уста бўламан дебди.
Кунгабоқар гуллари
Очилибди-нулибди.
Мих қоқай, деб Тўлқинжон
Қўлга болға урибди.
Кунгабоқар ҳар гулин
Гўё қалам қилибди.
Ром ясолмай Тўлқинжон,
Роса алам қилибди.

Кунга боқар охири
Пишиб писта бўлибди.
Тўлқинжон ҳам урналиб,
Моҳир уста бўлибди.

* * *

Бу шеърнинг мазмунин
Ечиб нўринг тугунин.
Хоҳ ўсимлик, хоҳ одам,
Бўлса тиришқоқ, бардам,
Кўнгил қўйса меҳнатга,
Етар албат мақсадга.

М. ҚУШОҚОВ.

ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?

«Калинин ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Қорасув» совхозининг 1-бўлимига қарашли клуб анчадан бери ёпиқ. Шунда ҳам совхоз ишчилари кўнгилли дам олишолмайди. Кино қўйиладиган кунлари томошабинлар тинка туриб қоладиган пайтлар кўп бўлади. Чунки, стуллар етишмайди. Бунинг устига клуб биноси ремонтга муҳтож».

Редакцияга келган бир хатда ана шундай дейилган эди.

Калинин район ижроия комитети шу хат юзасидан текшириш ўтказди. Кўрсатилган камчиликларнинг тўғрилигини тасдиқлаб қуйидагиларни билдирди:

Клуб биноси яқинда капитал ремонтдан чиқарилди. Залга 200 ўринли скамейка қўйилди. Томошабинларнинг дам олишлари учун қулайлик туғдирилди.

Шу кунларда клубда систематик равишда кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» НАТИЖАЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«НАҲОТКИ ЎЗ ҲОВЛИНГИЗНИ ТОЗА ТУТМАСАНГИЗ!»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил, 13 март сонида босилган «Наҳотки, ўз ҳовлингизни тоза тутмасангиз!» сарлавҳали мақолада Киров районидаги уй-жой бошқармаларига қарашли айрим ҳовлиларнинг тоза сақланмаётгани, уй-жой бошқармаси, коммунал хўжалик бўлими ва баъзи корхона раҳбарлари ўзларига қарашли уй-жойларни озода сақлаш, обод қилишга боғлиқ бўлган масалаларга етарли эътибор бермаётганликлари тўғри танқид қилинган.

Район ижроия комитети мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш ва келгусида район территориясидаги ҳовли жойларни обод қилиш, кўкаламзорлаштириш юзасидан амалий тадбирлар белгиланди.

Шунингдек айрим маҳаллаларда, уй комитетларида йиғилишлар ўтказилди. Йиғилишларда ҳар бир хонадон ўзи яшаб турган ҳовлини озода сақлашга ҳисса қўшиши лозимлиги уқтириб ўтилди. Жамоат уйларида яшовчилар ўзлари турган ҳовлини тоза тутиш ниятида бир-бирларини ўзаро мусобақага чақиришди. Яқинда ташкил этилган жамоат комиссияларя мусобақа натижаларини текшириб турадди.

Урицкий, Бариаульский, Тимирязев ҳамда Киев кўчаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан ҳам тадбирлар белгиланди.


Э. ҚОДИРОВ,
Киров район ижроия комитети раисининг ўринбосари.

«ЎНҚИР-ЧЎНҚИР КЎЧАЛАР»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг шу йил, 2 февраль сонида босилган «Ўнқир-чўнқир кўчалар» сарлавҳали материалда кўрсатилган танқидий фикрлар мутлақо тўғри. Октябрь райони территориясида ремонтга муҳтож кўчалар кўп. Бу кўчаларни бир йилда тўла ремонтдан чиқариш қийин. Кўчаларни ремонт қилиш ишлари ҳар йили белгиланган план асосида олиб борилади. Чувалачи, Уйғур кўчалари шу йилги планга киргизилган. Чувалачи кўчаси иккинчи кварталда, Уйғур кўчаси эса учинчи кварталда ремонт қилинади. Мақолада кўрсатилган бошқа кўчалар ҳам навбати билан ремонтдан чиқарилади.

К. ФАЙЗИЕВ,
Октябрь район коммунал хўжалиги бўлимининг мудири.
Р. ХУСАНОВ,
Йўллар старший мастери.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 22 МАЙ 1964 ИИЛ.



11 МИНУТДА ОЧИЛГАН КЎЗ

Мураккаб операция борарди. Хирург Муҳаммаджон Комилов операцияга бутунлай берилиб кетган эди. Унинг чаққон қўллари дадил ҳаракат қилар, кўзини эса бемордан узмасди.

Операциянинг энг масъулиятли дақиқалари бошланди. Ҳа, кўздан кўра энг нозик аъзо бўлмаса керак. Уни операция қилиш ҳам хирургдан катта маҳорат ва усталикни талаб этади. Сал хатолинка йўл қўйилса борми, кўнгилсиз воқеа юз бериши мумкин.

Саноқли дақиқалар қолди. Сал ўтмай беморнинг кўзи очилади. Бир неча йилдан бери қалбига нўрғув ва таҳдид солиб келаётган оқизлик дардидан халос бўлади. У атрофни кўради, кишиларни кўради, бутун борлиқни кўради.

Хирург бошини кўтариб атрофга бир нафас маъноли боқди. Демак, операция муваффақиятли тамом бўлибди. Бу хирург юзидаги табассум ила ҳаяжондан зоҳир эди.

— Отахон, мана энди кўзингизни очсангиз бўлади, — хирург М. Комилов беморга меҳрибонлик билан нигоҳ ташлади. — Менинг бармоқларимни кўраяпсизми? Мана бунисини нечта? Жуда яхши! Мана бунисини-чи? Топдингиз...

Операция 11 минут давом этди. Ҳа шу 11 минутда беморнинг кўзи очилди. Қандай яхши!

Операция столида ётган бу бемор оҳангаронлик пенсионер Л. Колосов эди. Унн оғир дард Оҳангарондаги «Средазуголь» комбинати медицина-санитария қисмида даволанишга мажбур этди. Доцент Муҳаммаджон ака Комилов эса касалхона хирургларига амалий консультация бериш учун бу ерга келган эди. У, медицина-санитария қисми кўз бўлимида биринчи операцияни ўтказди.

Шундай, касалхона ҳузурида кўз касалликлари бўлими яқиндагина ташкил топди. Бўлим медицина асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган. Унга ёш хирург Р. Шаропова мудирлик қилмоқда.

Кўз касалликлари бўлимини ташкил этишда «Средазуголь» комбинати медицина-санитария қисмининг бошлиғи М. Илҳомов яқиндан бош қўшди.

Бу янги бўлим келгусида тағин ҳам кенгаяди. Яқин орада 650 сўмлик янги медицина асбоб-ускуналари сотиб олинади. Ҳозир бу ерда 30 ўрин бор.

... Иккинчи операция бошланади. Бу сафар операцияни хирург Р. Шаропова олиб боради. Доцент М. Комилов эса йўл-йўланай унга консультация бериб туради. Операция кўнгилдагидек ўтди.

Уша куни уч беморнинг кўзи муваффақиятли операция қилинди.

Тошкентдан бу ерга келиб, биринчи масъулиятли операцияни ўтказиб берган моҳир хирург, Узбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бош офтальмологи доцент М. Комиловнинг бу ҳиммат-дан медицина-сантария қисми шифокорлари беҳад хурсанд бўлишди.

А. АЛИЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: (чапдан) медицина-санитария қисмининг бошлиғи М. Илҳомов, хирург Р. Шаропова, доцент М. Комилов ва ассистент Э. Флик ўртоқлар операция ўтказишмоқда.

ЗАВОДДА МУХБИРЛАР МАКТАБИ

Узбекистон трактор-йиғув заводи партия маориф шоҳобчасида бир йиллик ишчи мухбирлар мактаби ташкил этилди. Мактаб тингловчилари КПСС Программаси, газета жанрларини ўрганиш билан бирга заводнинг нўп тиражли «Маян» газетасининг мазмунли чиқариш ишида ҳам актив иштирок этадилар.

Яқинда бўлиб ўтган биринчи машғулотда «Маян» газетасининг редактори И. Касьнов «Россияда революцион матбуотнинг ташкил топиш тарихи» деган темада лекция ўқиди. Машғулот жуда ҳам қизиқарли ўтди.

С. ТУЛАЕВ,
И. ИСМОИЛОВ.

ЧЕМПИОНАТ ОЧИЛДИ, ГИМНАСТИКАЧИЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ҚИЛМОҚДАЛАР

Свердлов номли концерт залида қандай ижодий коллектив ўз санъатини намойиш қилмаган дейсиз. 20 майда унинг тарихига яна бир ажойиб сатр ёзилди. Бу ерда Узбекистонда биринчи марта бадиий гимнастика бўйича Совет Иттифоқининг чемпионати очилди.

Мусобақа ташкилот комитетининг раиси, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насриддинова бадиий гимнастика бўйича бутуниттифоқ мусобақасини очиқ деб эълон қилади. Е. С. Насриддинова Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан мусобақа қатнашчиларини қизғин табриклайди, уларга спорт, меҳнат ва ўқиш соҳасида янгидан-янги муваффақиятлар тилайди.

Совет Иттифоқи гимни ижро этилади. Ўтган йилги чемпионлар Любовь Парадиева, Людмила Савинкова ва Светлана Пчелкина мусобақанинг очилишидан дарак берувчи СССР байроғини кўтарадилар.

Кечқурун тантанали қисмдан кейин томошабинлар ўз юртдошлари—Узбекистон терма командаси, Эстония ва Латвия спортчи қизларининг маҳоратини олқишладилар. Уларнинг ҳаммаси мажбурий ва эркин программа бўйича машқ бажардилар.

Мусобақалар давом этмоқда.

(ЎзТАГ).

ГАММА НУРЛАРИ ДОННИ САҚЛАЙДИ

Яқинда Бутуниттифоқ галлакорлик илмий-текшириш институтида уруғни гамма нурлари билан қайта ишловчи мослама ишга туширилди. Бундай усул заҳарли химикатлардан мутлақо фойдаланмай туриб, барча зараркунандаларни йўқ қилиши мумкин. Бу усул билан ишланган дон ўзининг тўйимлилик сифати ва таъминд тўла сақлаб қолади. Мослама икки қаватли бинога жойлашган бўлиб, бу ерда ҳавза ва нурлантирувчи қудуқли ишчи зали, диспетчер хонаси, машина заллари, лабораториялар, бункерлар бор.

Мослама ҳар соатига 400 килограммга яқин донни автоматик равишда нурдан ўтказади.

(АПН).

БЎРИ ИЗИДАН

Мамат ота бўрининг изидан тушиб анча-мунча йўл юрди. Қора бешсой яйловидаги молларга ҳужум қилган оч бўри дам ўтмай яна хавф солди. Мамат ота бадном бўрини ушлашга қатъий қарор қилиб, йиртқич изига тушди. Уни қўлга туширмагунча қўймасликкa аҳд қилди. Хаш-паш дегунча 20 чақиримча йўлни босиб қўйди. 67 ёшли пенсионер Мамат ота анча чарчади, қора терга ботди, бироқ бўрини қўлга тушириш ниятидан қайтмади, олга қараб юрди.

Уста овчи қўлига милтиқ олганидан бери неча ўнлаб бўрининг изини қуритди. Яқин атрофда у билан беллашадиган овчи йўқ деса бўлади. Мамат ота кун бўйи ўрмонни кезди. Йиртқич қочиб қутила олмади, охири қўлга тушди. Мамат ота шу куни яна тўртта бўри боласини тириклайин тутиб бешта ўлжа билан қайтди.

1-«Оҳангарон» совхозининг пенсионери Мамат ота Ўсаровнинг бу ўлжаси 228-ҳисобланади.

Т. ХУШНАЗАРОВ.
Ўрта Чирчиқ.

ПАРК — ШАҲАРЧА

Шу кунларда пойтахтимизнинг «Победа» маданият ва истироҳат боғига борган киши мириқиб дам олади. Паркнинг меҳнатсевар коллективи дам олувчиларга қулайлик туғдириш учун барча имкониятларни яратишган.

Пляжнинг ёнгинасида 500 кишилик гардероб хонаси ишга туширилди. Офтобда дам олиб ётиш учун тахтадан 150 кровать ясалди. Бу жойда махсус медицина пункти бўлиб, врачлар навбатчилик қилишади. Чўмилувчиларга консультациялар уюштирилади.

Кўлда чўмилиб чиққандан сўнг тоза ва минерал сувдан фойдаланиш учун алоҳида душхоналар ҳам тайёрлаб қўйилган. Бу йил қайиқлар сони бир мунча кўпайтирилди. Киев ва Ленинграддан 100 та чиройли қайиқ келтирилди.

Парк маъмурияти кичкинтойларни яхши дам олишларига ҳам алоҳида эътибор бераяпти. Болалар учун махсус жой ажратилди. Бу ерда парк ходимлари уларни кузатиб туришади, сувда сузишни ўргатишади. Парк ичидан оқиб ўтадиган катта Бўз сув қиргоғига 500 ўринли гардероб хонаси қурилаётир. Унинг ёнида чўмилувчилар учун 40 та соябон ўрнатилади. Бўз сув ёнида кичкинагина янги кўл ҳам барпо этилаётир.


Москва шаҳар қўқаламзорлаштириш ва ободонлаштириш лойиҳалаш институтининг бир группа архитекторлари паркни реконструкция қилиш лойиҳасини тайёрлаб беришди. Лойиҳага асосан парк территорияси 70 гектарга етказилади. Бу парк—шаҳарчада меҳнаткашларнинг кўпгилли дам олишлари учун барча шароитлар яратиб берилади. Бўзсув парининг ўртасидай оқадиган бўлади. Боғга Энгельс кўчасидан кирилади. Ҳозирги Носиров кўчаси унинг асосий хиёбони бўлиб қолади. Парк ичида микроавтопоезд юради. Бу шу ерда ташкил этиладиган Узбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига келувчиларга ҳамда паркда дам олувчиларга ҳам хизмат қилади.

Ҳозирги «Победа» кинотеатри ёнида 200 ўринлик «Музика ишқибозлари» уйи қурилади. Шу ерда кенг экранли ёзги кино-театр биноси ҳам қад кўтаради. Паркда ярим гектарлик гулзор ташкил этилади. Барпо этиладиган 3 гектарлик боғни турли хил мева дарахтлари ва гул кўчатлари билан таъминлаш учун катта теплица хўжалиги ишга туширилади. Бўзсув ёнида хотин-қизлар учун алоҳида пляж ташкил этилади. Бўзсувнинг ўнг қиргоғида эса 6 минг кишига мўлжалланган гимнастика шаҳарчаси ҳамда 600 ўринли ёзги «Яшил театр» қурилади.

Парк ичида бешта сув каскади бўлади. Бир йўла 400 киши овқатланадиган ҳашаматли ресторан, икки қаватли чойхона ҳам кишилар хизматида бўлади. Булардан ташқари маданият ва истироҳат боғида 12 та катта ҳовуз ташкил этилади. Ҳовузлар атрофига ҳар хил гуллар ўтқазилади.

Шу кунларда паркни реконструкция қилиш ишлари бошланиб кетди. Айрим бино ва иншоотларни барпо этишга киришилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси яқин икки-уч йил давомида тўла амалга оширилади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



Суратда: боғнинг бош инженери Х. Гамис (чапда) шаҳар маданият бошқармасининг бош инженери В. Пуховойлар боғнинг янги лойиҳасини кўздан кечирмоқдалар.

М. Нурйддинов фотолари.

БЕРУНИЙ АМЕРИКА ҲАҚИДА

Америка қитъасининг мавжудлиги ҳақида уни Христофор Колумб кашф этмасдан 450 йил аввал олдиндан айтиб берилган эди.

Американинг испаниял и к Колумб томонидан кашф этилишидан 450 йил аввал XI асрда яшаган ўрта осиёлик энциклопедист олим Абу Райхон Беруний бу қитъанинг мавжудлиги ҳақида дадил фикр айтган эди. Беруний ўз назариясини «Ҳиндистон» асарида баён қилган.

«Бизнинг тадқиқотларимизга қараганда, — деб ёзган эди у, — биз шарқий ярим шар ерининг иккита шимолий чорагидан бири қуруқликдан иборат бўлиши кераклигини биламиз. Шу боисдан биз бир-бирига қарама қарши бўлган иккинчи чораги ҳам қуруқлик бўлса керак деб тахмин қиламиз».

Бу ғарбий ерларни биз шунинг учун билмаймизки, деб тушунтирган эди Беруний, у томонларга «ҳавонинг нотинчлиги, катта сув мавжудлиги туфайли сузиб бориш мумкин эмас ва орқага қайтиш ҳавфи ҳам бор». Американинг мавжудлиги ҳақидаги фикрни у ўзининг «Масъуд қонуни» ва «Ат-Тафҳид» каби китобларида ҳам қатъий таъкидлаган.

«Жаҳоннинг шарқий ёки ғарбий қисмларида аҳоли яшайдиган ерлар борлигини инкор этувчи ҳеч қандай далил йўқ, — деб ёзган эди у «Ат-Тафҳид» асарида. — Бунга қақшатгич совуқ ҳам, даҳшатли иссиқ ҳам тўсқинлик қила олмайди... Шунинг учун дунёнинг бизга маълум бўлган жойларидан ташқарида ҳамма томонидан сув билан ўралган қандайдир тахмин қилинган катта ер майдонларининг мавжудлиги ҳеч шубҳасиздир».

Ўша вақтда Америка қитъасининг мавжудлиги ҳақидаги тахминни шундай қатъийлик билан қайта-қайта таъкидлаган одам фан тарихида маълум эмас. XV асрда италиялик Тосканелли томонидан тузилган дунёнинг энг машҳур картасида Европа ва Осиё ўртасида кўз илғамас ва ҳеч нарсаси бўлмаган Атлантик океанигина чизиб берилган.

Американи XV асрнинг охирида кашф қилган испаниялик денгиз сузувчилари Берунийнинг гениал кашфиётини билишганмиди? Ўрта осиёлик олим уларга ёрдам берганми? Ҳозирча бу саволларга жавоб бериш мумкин эмас. Фақат шуниси маълумки, XV асргача араблар қўл остида бўлган испанлар ва португаллар, шарқ олимларининг асарларини зўр бериб ўрганган эдилар. Чунки ўша вақтда араб фани дунёда энг илғор фан эди. Берунийдек машҳур олимнинг асарлари ўша вақтда Испаниянинг кўпгина кутубхоналарида сақланарди.

Бу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш йўлида ҳозир Тошкент университетининг профессори, географ ва тарихчи Ҳамидулла Ҳасанов иш олиб бормоқда. У шу темада тадқиқотларини давом эттираётир. Эҳтимол, ҳайдарободлик таниқли ҳинд олими Саид Ҳасан Бараний ҳақиқатни рўёбга чиқаришга муваффақ бўлар. Бу олим ҳам Берунийнинг гениал назариясини ўрганаётир.

В. ТРУБНИКОВ,
(АПН).

УРТУҚЛИК



МАҚТАНГАННИНГ УЙИГА БОР...

— Алло, саночистка автобазасими?

— Ҳа, хизмат?

— Машина керак, заявка қабул қилинг...

Мана, ёзнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланиб «Горсаночистка» автобазасининг омади ҳам юришиб кетди. Чунки бундай кунларда ҳар бир кўча ва ҳовли деярли ҳар куни супириб-сидириб турилади. Кўча ва майдонларда, завод, фабрика ва бошқа ишлаб чиқариш корхонаси территорияларида ахлат уюмлари йиғилиб қолади. Ана шунда шаҳардаги қайбир ташкилотлардан, ҳатто, областимиздаги район марказларидан ҳам ахлат ташийдиган машина сўраб, автобазага тез-тез телефон қилиб туришади.

— Ҳа, шаҳар озодалиги учун хизматга ҳамиша тайёрмиз, — дейди автобаза директори ўртоқ Тарасенко таъзим билан, —машиналаримиз саф тортиб туришади, аниқ адрес берсак бас, қарабсизки, бир соатга қолмай ўша жой топ-тоза бўлади-қўяди...

Директорнинг гаплари тўғри бўлса бордир, аммо ҳар эҳтимолга қарши «Мақтанганнинг уйига бор...» қабилидан қилиб, биз автобаза территориясини кўздан кечириб чиқдик.

Нимасини айтасиз, дарвозадан ичкарига кирдигу, ёқамизни ушлаб ҳанг-манг бўлиб қолдик. Озодалик учун хизмат қилувчи ташкилотнинг ўзида тартиб ва озодалик намунали бўлса керак, деган умидимиз чиппакка чиқди.

Ҳовлининг ўртасидан юриб ўтиш учун албатта қайиқ ёки резина этик зарур. Чунки, бузуқ крандан доимий равишда оқиб ётган сувдан ҳовлида каттагина кўл ҳосил бўлган. «Жоннинг ҳузури»ни билан шоферлар эса, ўша ердан челаклаб сув олиб машиналарини ювишяпти.

— Буниси ҳолва, — дейишади шоферлар, —ёмғир ёққанда келиб кўринг, машиналар ўрдакдек сузиб юришади.

— Нега машиналар ўнг-тескари тиқилиб туришибди, уларни тартибли қилиб қўйишга жой етишмайдими?

Бу саволга автобаза директори хуноб бўлиб жавоб қилади:

— Шуниси бизни куйдираяпти-да, жойимиз тор, агар жой бемалол бўлганида-ку...

Ичкарироқ бориб қарасак, автобаза ҳовлисининг охирги томонида ҳар бири ярим гектар келадиган уч-тўртта майдон бор экан. Директорнинг ҳалиги гапига қаранг-у, бу майдонларнинг аҳволига бир қаранг: қор қурайдиган, ахлат ташийдиган, сув сепадиган ва бошқа бузуқ машиналар ҳамда уларнинг синган, майишган қисмлари неча йилдан буён тоғдек уюлиб, занглаб ётибди. Ҳовлининг бир тарафидаги усти ёпиқ жойлар эса, нуқул ҳисобдан чиқариб ташланган «кўзи кўр», «чўлтоқ-пўлтоқ», «ичакчавоғи» ағдариб ташланган машиналар билан банд.

Ҳозир автобаза ҳузуридаги беш юзта машинадан икки юзтаси туя гўштини еб, ремонтда ётибди. Машиналар томи бор, девори йўқ жойларда ремонт қилинади. Айниқса қишли-қировли кунларни айтмайсизми, қор-ёмғир аралаш урган шамол устахонанинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб кетаверади. Аҳвол шундай бўлгач, қандай қилиб сифатли ремонт ҳақида гап бўлиши мумкин. Натижада «яхши даволанмай» сафарга чиққан машиналар кўп ўтмай яна «ремонт»га қайтиб келаберади. Бунинг устига ремонт ишлари учун на норма, на ҳисоб-китоб ва на контроллик бор.

Ремонтнинг белига тепадиган сабаблардан яна бири шуки, ремонтчилар запас қисмлар билан етарли даражада таъминланмайди. Шунинг учун ҳам автобазага бирон янги машина келиб қолса, бир ҳафта ўтмасданоқ хомталаш қилинади. Қисмларининг бирини у шофер, бирини бу шофер илиб кетади. Оқибатда яп-янги машиналарнинг «эти шилиниб», «териси» занглаб ётаберади.

Автобазадаги 7—8 колонналар бригадаларга бўлинган. Бригада бошлиқлари эса, ишни дурустгина тартибга солодмай хуноб. Чунки улар машиналарнинг марказларига қараб алоҳида-алоҳида қўйиш учун «бошпана» қуришликни талаб қилишса; автобаза раҳбарлари осонгина «жой йўқ» деган баҳонани рўкач қилиб келишяпти.

Аҳвол шундай бўлгач колонналар ишида қандай унум бўлсин. Шу сабабли қабул қилинган заявкалар кечикиб бажарилади. Шу йилнинг февраль ойида шаҳардаги 800 га яқин кўчанинг бор-йўғи 200 тасидан ахлат ташиб олинди. Масалан Ленин районидаги 158-мактабнинг 3 март куни берган заявкаси 16 мартда, Ленин районидаги 2-болалар поликлиникасининг 3 мартда берган заявкаси 16 мартда, Куйбишев районидаги энергетика институтининг 12 мартда берган заявкаси 8 апрелга келиб бажарилган.

Хўш айтингчи, бу фактлар директор яширган «касаллик»нинг ошкор «иситмаси» эмасми. Автобазадаги бу камчиликларни йўқотиб, тартиб ўрнатиш қанчалик умумий мажлисларда қайта-қайта гапирилди. Ҳатто партия ташкилоти бюросида ҳам кўриб чиқилди. Лекин директор С. Тарасенко, бош инженер А. Ваниянц, таъминот бўлимининг бошлиғи С. Чаплигин, касаба союз комитетининг раиси А. Соболев ўртоқлар ҳамон «бажарамиз» деб ваъда устига ваъда беришдан нари ўтишмаяпти. Аҳвол эса ҳануз ўша-ўша.

Автобазанинг ўзидаки, тартибинтизом шу аҳволда экан, қизиқ, пойтахтимизнинг санитария тозалик ҳолати учун улар қандай қилиб дурустроқ хизмат кўрсатишсин?!

К. МУҲАМЕДОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОВЛАМАЧИ ФОШ ҚИЛИНДИ

— Синглим, менга ўша пулни берсангиз, ҳозир жуда зарур бўлиб қолди, муддат ҳам ўтиб кетди.

— Қанақа пул? Мен сиздан қачон пул олувдим!?

— Ия, эсингиз жойидами, наҳотки тонсангиз мен... Аёл азбаройи бўғилганидан бошқа ҳеч нарса деёлмади. Воқеага дарҳол ҳамкасблари аралашди...

Шаҳардаги физио-терапия шифохонасининг ходимларидан З. И. Леви ўзи билан бирга ишлайдиган К. Н. Мартановага 1963 йилнинг август ойида 200 сўм пул қарз берган эди. Мартанова бу қарзни йилнинг охирида узишга ваъда берганди. Ана шу олди-бердидан кўпгина ходимлар ҳам хабардор эдилар. Орадан анча фурсат ўтди. Лекин Мартанова ўз қарзини узишни ҳаёлига келтирмади ҳам. Ниҳоят, муттаҳамлик йўлига ўтиб, пул олганидан мутлақо тонмоқчи бўлди.

Ана шу воқеадан сўнг Мартанованинг товламачилиги фош бўлиб қолди. У илгари ҳам ўзи билан ишлайдиган баъзи ходимлардан ўзига керак бўлган буюмларни турли баҳоналар билан «вақтинча» ликка олган-у, лекин бирортасини қайтариб бермаган. Коллектив бу фирибгарнинг нопок қилмишидан қаттиқ газабланди. Уни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш мақсадида қилинган панд-насиҳатлар заррача фойда бермади. Ниҳоят маъмурий органларга мурожаат қилишга тўғри келди. Кўпчилик талаби билан фирибгар Мартанованинг иши Ленин район халқ судига ҳавола қилинди. Суд ажрими билан унинг устидан жиноий иш қўзғаш эса район милиция бўлимига топширилди. Милиция бўлими бу фирибгар устидан жиноий иш қўзғади.

Т. ОРТИҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз ходими.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
4-БЕТ, 22 МАЙ 1964 ИИЛ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

22 майда

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Адабий топишмоқ** (мактаб ўқувчилари учун). 18.35 — **Телевизион янгиликлар**, 18.55 — **Ҳаммаси инсон учун**. 19.15 — Ленин мукофоти лауреатлари. В Песков. **Шабнамдаги излар**, 19.45 —**Тирилиш** номли бадиий фильмнинг 2-серияси.

21.30 —**Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 21.35 — **Телевизион янгиликлар**, 21.55 — **Комсомол прожектори**. 22.25 — **Химия—мўл-кўлчилик йўли**. 22.45 — **Музика тинглаб** (суҳбатли концерт).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 —**Бадиий гимнастика бўйича СССР биринчилиги мусобақалари**. 21.00 — **Ҳақиқат йўли** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ТЕАТРДА— 22/V да **Майсаранинг иши**, 23/V да **Чиб-Чио-Сан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ТЕАТРДА — қишки мавсумнинг ёпилиши олдидан — 22/V да **Номус**, 23/V да **Гамлет.** Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ТЕАТРДА —22/V да **Икки билагузук**, 23/V да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ ВИНОДА:

Шайтон ва ўн насиҳат — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кеч соат 10 гача).

Янгра, барабан (эрталаб соат 10 да). **Бой ила хизматчи** (кундуз 5-10 минутда, ўзбек тилида). **Гусар қиссаси** (кеч 10 да)—НАВОИЙ номидаги.

Жунгли — НАВОИЙ номидаги (кундуз ва кечқурун).

Уч плюс ники — «СПУТНИК» (кеч соат 9 гача).

Ун саккизинчи йил — «ВАТАН» (эрталаб соат 10 да).

ЁЗГИ ВИНОДА

(кеч соат 8-45 минут ва 10 яримда

Чўлдаги икки киши— «ВАТАН».

Жунгли — НАВОИЙ номидаги.

Король Королю —«УДАРНИК».

Каролина Риенская — КАФАНОВ номидаги.

Таңдир ноғоралари — «ШАРҚ».

Шоир таңдири — 1 МАЙ номидаги.

Шайтон ва ўн насиҳат — «ФЕСТИВАЛЬ».

1964 йил 1 июнь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия-технология ва биология фанлари бўлимининг биология фанлари бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 52, Олимлар уйи) қуйидагилар биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

А. Ф. Юсупова: «Ф. Н. Русанов-нинг потенциал толали гибрид гибискуслари группасининг морфологик характеристикаси» деган темада.

И. Н. Мотхин: «Акантофилум гипсофилоидес Ргл.»ни турли экологик шароитда ўстиришнинг биологик хусусияти ва парвариш қилиш усули» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Тошкент область алоқа бошқармаси ҳузуридаги

МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ КОНТОРАСИ

тугатилади

Даъволар шу эълон чиққан кундан бошлаб икки ҳафта ичида қабул қилинади.

Адрес: Проект кўчаси, 3-уй.

Узбекистон КП Тошкент қишлоқ область комитети ва область ижроия комитети Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС аъзоси, колхоз ишлаб чиқаришининг кенса ташкилотчиси, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Полярная звезда» колхозининг участка бошлиғи

Цой Бон Сонинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — *Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.*

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 05572. ИНДЕКС 64695. Нашр. № 1758.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26уй.